2004 YIL 22 YANVAR, PAYSHANBA

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№10-11 (6.692). Sotuvda erkin narxda

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19-20 январ кунлари расмий ташриф билан Кувайт давлатида бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Лекин Ўзбекистон ва Кувайт амалий ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга баҳо бериш ва ёндашувларда томонларнинг қарашлари уйғун. Аммо, Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий соҳада шу чоққача имкониятлар тўла ишга солинмади. Шу боис икки мамлакат салоҳиятини ўзаро муносабатлар ривожи томон йўналтириш, амалий ҳамкорлик учун қулай шароит яратиш ташрифдан кўзланган асосий мақсад сифатида эътироф этилди.

Ал-Кувайтда Президент Ислом Каримов Кувайт давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан учрашди. Музокарада икки томонлама алоқаларнинг истиқболи муҳокама этилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Кувайтда ҳамкорликни юқори поғоналарга кўтариш учун катта иштиёқ ва интилиш мавжуд эканлигини тасдиқлаши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайт Бош вазири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан аввал яккама-якка, сўнг расмий делегациялар иштирокида музокаралар ўтказди. Учрашувларда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш ва ёз ойларида Тошкентда унинг илк мажлисини ўтказишга келишилди. Мезбонлар Ўзбекистон ал-Кувайтда элчихона очиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, энергетика, сув таъминоти каби соҳаларда Кувайт билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ушбу мамлакат улкан сармоявий салоҳиятга эга, энергия ва сувдан тежамли фойдаланишда катта тажриба орттирган. Ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирдек манфаатдор.

Трансафғон йўли қурилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўл минтақада вазиятни барқарорлаштириш баробарида, кўпгина давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Дастлабки тўрт битим давлат ва ҳукуматлар даражасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг йўл очади. Террорчилик, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлик ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан тузилган меморандумда эса, Ўзбекистондаги 9 лойиҳани молиялаштириш учун ушбу муассаса томонидан 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилади. Бу лойиҳалар сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларига йўналтирилган.

Мазкур жамғарма шу вақтгача Ўзбекистондаги икки лойиҳада жами 38,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ билан қатнашаётган эди. Янги келишув ташрифнинг самарали кечганига яна бир далилдир.

Ушбу жамғарма Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молиявий тузилмалар билан яқин алоқа ўрнатган. Унинг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориж сармояси жалб қилишнинг имкониятларини янада оширади. Президент Ислом Каримов жамғарма Бош директори Бадр Мишарий ал-Ҳумайзий билан учрашиб, шу масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ташриф асносида Президентимиз ушбу мамлакатнинг Миллий мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Ноҳиз билан ҳам учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайтнинг Ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганлар масалалари бўйича миллий қўмитаси фаолияти билан танишди. Ноҳақдан Ироқ қамоқхоналарида сақланган, Саддам Ҳусайн армияси тажовузларидан жабр кўрган кувайтликлар хотирасига атаб таъсис этилган ушбу ташкилотнинг фахрий меҳмонлар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

Яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби араб тилида нашр этилган эди. Ташриф арафасида ал-Кувайтда бу китобнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу воқеа Кувайтда Ўзбекистондаги ўзгаришларга қизиқиш кучли эканлигидан далолатдир.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Кувайт давлатига сафари якунланди. Кувайт Бош вазири бу ташриф хайрли ибтидо эканлигини таъкидлаб, келгусида ҳамкорлик муваффақият билан ривожланишига умид билдирди. Ислом Каримов бу истакни маъқуллади.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги илк учрашув юқори баҳо олган экан, муносабатларимиз истиқболига ишонч билан қараш мумкин. Бунинг учун барча асослар бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент - Ал-Кувайт - Тошкент.

Азизахон Асомиддинова ўз касбининг устаси. Унинг сифати, ўзига хос хусусиятини бирпасда аниқлаб беради. Тажрибаси бор-да. У 11 йилдирки, "Нукусун" заводининг лабораториясида бенуқсон ишлаяпти. Фақат бу корхонада эмас, балки тармоқнинг бошқа меҳнат жамоаларида ҳам шогирдлар орттирган.

СУРАТДА: Азизахон Асомиддинова.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

ДУНЁНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида давом этаётган аграр соҳа раҳбарлари семинар-мунозарасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов миллий истиқлол ғоясини жамоатчилик онги ва тафаккурига сингдиришнинг долзарб муаммолари, Меҳр ва мурувват йили - олижаноб инсоний фазилатларни намоён этиш, жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибат ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим қадам мавзуида маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов, Олий суд раиси Ф.Муҳиддинова, Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов ва бошқаларнинг ҳам маърузалари тингланди.**

● **Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ҳиндистон ҳамда Ўзбекистон ишбилармонларининг «Сотувчи-харидор» учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув марказида навбатдаги ўқув курси бошланди.**

● **«Пойтахт» меҳмонхонасида глобал ўзгаришлар, барқарор ривожланиш ва Марказий Осиёда атроф-муҳит муҳофазасини бошқариш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Тадбир Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг Атроф-муҳит дастури ҳамда Глобал ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил қилиш халқаро маркази (СТАРТ) ҳамкорлигида ташкил этилди.**

● **Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг «Ўзбекфильм» студиясида суратга олинган «Осмондаги болалар-2» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1154-рейсда ҳалок бўлган 37 кишининг оила аъзоларига Америка Қўшма Штатлари халқи номидан билдираётган чуқур таъзиямни қабул қилгайсиз. Бизнинг дуоларимиз ва фикримиз улар билан ҳамда Ўзбекистон халқи билан биргадир. Шу қайғули дамларда Сизга дўстлигимиз мустаҳкамлигини, Сиз билан ҳамдардлигимизни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Самимият ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Тошкентда юз берган авиаҳалокат натижасида қурбонлар бўлганлиги ҳақидаги машъум хабар бизни ғоят қайғуга солди.

Ушбу фожиа муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, дўст Ўзбекистон ҳукумати ва халқига чин дилдан ҳамдардлик изҳор этамиз.

Саъд ал-Абдулла ас-Солим ас-САБОҲ,
Кувайт Давлати валиаҳди

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкентда авиаҳалокат юз бериб, инсонлар қурбон бўлгани тўғрисидаги фожиали хабарни Арманистон аҳли чуқур қайғу билан қабул қилди.

Ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига шахсан ўз номимдан ҳамда бутун арман халқи номидан чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор қиламан.

Эҳтиром ила,

Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

МЕТАЛЛ ПАРЧАСИ:

АРЗОН ЭМАСМИ?

Икки-уч йил илгари одамлар қишлоқма-қишлоқ юриб, рангли металл парчаларини йиғиб, хуфёна Қозоғистон ё Қирғизистон давлатларига чиқариб сотарди. Сўнг ҳукуматимиз қарорига кўра бу ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйилди.

Айбдорлар қўлга олиниб, жавобгарликка тортилаяпти ҳам. Металл парчасига "ишқи" тушган кишиларга эса "эски темир-терсакни йиғаяпсизми, раҳмат, аммо уни ҳар бир вилоятда ишлаб турган "иккиламчи металл" корхоналарига топширинг", дейилди. Натижа қандай?

-Ўтган йил аҳолидан режадаги 795 тонна ўрнига 805 тонна металл парчалари сотиб олдик, - дейди "Фарғонаиккиламчиметалл" компаниясининг муҳандиси Ойбек Оразметов. – Очиғи, бу рақам янада кўп бўлиши мумкин эди. Металл парчалари учун тўловни кўпайтириш имконияти эса "Ўзметкомбинат" раҳбарлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Компания бош директори Эркин Абдуллаевнинг айтишича, ўртача 1 тонна металл чиқиндиси учун 17000 сўм нарх белгиланган. Бу пулдан солиқ ва улов харажатларини олиб ташланг, нечне машаққатлар билан ташландиқ металлни топиб, уни қабул манзилига келтирган кишига неча сўм қолади?

-Қўшни мамлакатларда 1 тонна металл чиқиндиси учун биздагига нисбатан кўпроқ ҳақ тўлашиб, қайси бир йўллар билан олиб кетишга ҳаракат қиладиганлар ҳам бор, - дейди Э.Абдуллаев. – Шунинг учун металломни ана шундай «овчи»лар қўлига туширмаслик керак. Лекин вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан ўзимизга юклатилган вазифани уддалаяпмиз. Вилоят ҳокимининг ўринбосари шу ерда металл топшириш бўйича йиғилиш қилади. Топшириқни бажармаётган ва ишга етарлича эътибор бермаётган раҳбарларга сўз берилади. Аччиқ-тизгин гаплар ҳам айтилади. Умуман олганда, биз 285 та ташкилот билан металл парчаларини топшириш бўйича шартномалар имзолаганмиз. Шулардан 20 таси ўз зиммасидаги шартнома шартини бажара олмаяпти. Масалан, "Фарғонамебел", "Қўқон 14-МКК" корхоналари бугунгача

МУЛОҲАЗА

бир килограмм ҳам металл топширмади. Ваҳоланки, бу корхона раҳбарлари ўтган йил бошида лафз қилиб шартномани дадиллик билан имзолашган. Ижросига келганда эса турли баҳоналарни тўқишаяпти.

Металл парчалари йиғилиб, сараланаётган компания ҳовлиси унчалик катта эмас. Бир гектарга яқин жойни эгаллаган. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар кишининг ўз вазифаси бор. Бир киши металл парчаларини сараласа, уста пайвандчи уларни кесиб, бўлакларга ажратади. 27 нафар ишчи шу ишлар билан банд.

-Манфаатдорлик юқори, иш ҳажми ҳам шунга яраша, - дейди Эркин Абдуллаев. – Чунки ишчининг маоши яхши бўлмаса, у корхонага наф келтиролмайди. "Қандай қилиб бир бўлак темирни ўғирлаб кетсам?" деб хом хаёл қилади. Шу боис ҳар бир ишчига ўртача 95000 сўмдан маош тўлаймиз. Аммо иқтисодий аҳволни яхшилашга ҳалақит бераётган жиҳатлар ҳам оз эмас. Масалан, мажбурий ҳомийлик қилиш. Фарғона шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежи қурилишига ўтган йил бошида 20 миллион сўмлик, амфитеатр учун 11 миллион сўмлик металл прокатларини бердик. Шу нарса қарз сифатида осилиб турибди.

Корхона ҳовлисида арматура шаклидаги металл прокатини кўрдик.

-Бу биз топширган металл парчаси учун ҳисоб-китоб тарзида "Ўзметкомбинат" акциядорлик бирлашмасидан берилган маҳсулот. Ким сўраса, сотамиз. Бундан ташқари, комбинат бизга турли хил маиший буюмлар, ишчилар уст-боши ҳам бераяпти, - дейди Эркин Абдуллаев. – Биз бу маҳсулотларга устама қўйиб, темир-терсак топширганларга берамиз. Шу тариқа дебитор ҳам, кредитор ҳам ёпилади. Ўртадаги фоиз ҳисобидан рўзғор тебратамиз. Аммо сиз кўрган арматура – металл прокатини анчадан бери сотолмай турибмиз. Чунки бир тоннасини 360 минг сўмдан беришган. Жуда қиммат. Бозорда худди шундай маҳсулот 310 минг сўм атрофида туради. Харидор учун арзони қулай-да. Ақлли киши чўнтагига зарар қилиб, қимматига учмайди-ку. Биз не-не машаққатлар билан металл парчаларини йиғиб топширган ва эвазига пул ё бошқа арзон маҳсулот қутиб турган ташкилотлар раҳбарларига бу металл прокатини 360 минг сўмдан таклиф этайлик-чи, азбаройи "тутаб" кетади.

(Давоми 3-бетда)

"ЕР КИМГА БЕРИЛАДИ?"

Газетамизнинг шу йил 6 январ сонида "Ер кимга берилади?" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Мақола юзасидан Наманган вилояти ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:

«Мақола тегишли ташкилот мутасаддилари иштирокида батафсил муҳокама қилинди. Гарчи мақолада аниқ далил ва рақамлар келтирилмаган бўлса-да, унда ғоят долзарб мавзу – фермерлик ҳаракатининг шаклланиши билан боғлиқ муаммолар тилга олинганлиги диққатга сазовордир.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Наманган вилоятида ҳам мавжуд фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, паст рентабелли, истиқболсиз деб топилган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан 2004-2006 йилларда вилоятимиздаги 50 та ана шундай ширкат хўжаликларини тўлалигича фермер хўжаликларига айлантириш белгиланган.

Бу жараённинг ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш мақсадида жойларда қайта ташкил этиш комиссиялари тузилиб, уларнинг маълумот ва эълонлари оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ушбу масалаларни ўзининг доимий назоратига олганлигини маълум қилади.

Б.ЮСУПОВ,
Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари».

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАННИНГ ҚАДДИ ТИК

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аграр сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга ошириш учун тадбиркорликни ривожлантириш қанчалик истиқболга эга эканлигини давр исботлади.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Фермер хўжаликларини, уларнинг мустақил фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб бериш, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижа шундай бўлаяптики, баъзи фермерлар ширкат ёки бошқа шаклдаги йирик хўжаликларга нисбатан икки, уч ҳисса юқори самарадорликка эришаяптилар. Бироқ уларнинг барчасида аҳвол шундайми? Биз ана шу савол билан Жиззах вилоят хўжалик суди раиси Комилжон Синдоровга мурожаат қилдик:

-Афсуски, йўқ, - дея сўз бошлади Комилжон ака. – Негаки, улар экин экиш, парваришлаш, ҳамма пишиб етилган маҳсулотни топширишда ҳам муайян тўсиқларга дуч келишмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИСЛОҲОТ

Қумқўрғон туманида ривожланиш анча яхши. Кун сайин ўсаяпти. Обод бўлаяпти. Ғузордан темир йўл келаяпти.

Янги спорт мажмуи қурилибди! Туман марказида. Кўрк бўлиб тушибди. Болалар футбол ўйнашаяпти. Майдон теп-текис. Чиройли чимланган. Томоша қилаётганлар анча.

Президентимизнинг болалар спортига эътиборининг самараси бу. Ўйингоҳда ўнга яқин спорт тури билан шуғулланиш мумкин. Томошабинлар учун

ОБОДЛИК ОДИМЛАРИ

мингга яқин ўриндиқ қўйилган. Спортчиларга ечиниш-кийиниш, ювиниш хоналари қилинган. Спорт дарслари учун хоналар мавжуд. Спорт – соғломлик. Соғ одам касалхона изламайди. Соғ киши яшнайди, яшнатади.

Туманнинг ободлиги нимада? Газлаштиришда. Ростдан шундай. "Зангори олов" келдими, қишлоқ хонадонининг елкасидан оғир юк кетади. Қумқўрғонда газлаштириш бўйича анча-мунча қадам ташланди.

(Давоми 2-бетда)

СЕРГАК БЎЛИНГ:

ХАВФЛИ, ЮҚУМЛИ

Айни кунларда хориж оммавий ахборот воситаларининг диққат маркази Европанинг бир қатор давлатлари ва Вьетнамга қаратилган.

Сабаби Польша, Бельгия, Германия, Англия ва Канададаги фермаларда сигирларнинг қутуриш (энцефалопатияси) ҳолати юз берганлиги боис юзлаб қорамоллар йўқ қилинаётган бўлса, Вьетнамда кузатилаётган парранда гриппи эпидемияси туфайли паррандачилик фермалари инқирозга юз тутаётир. Табиийки, бу мазкур давлатлар иқтисодига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ачинарлиси шундаки, кўпчилик учун оддий туюлган парранда гриппи туфайли ўнлаб кишилар ҳам вафот этган. Устига-устак, касаллик Вьетнам ҳудудидан чиқиб Осиё мамлакатларига ҳам таҳдид солмоқда. Бу қанчалик ҳақиқат ёки йўқ, буёғи мутахассислар ҳукмига ҳавола. Лекин шу нарса аниқки, кутилмаганда кишиларни сергак торттираётган бу каби талафотлар айрим давлатларнинг ветеринария хизматига эътиборсизлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

ЭҲТИЁТ-ШАРТ

(Давоми 5-бетда)

МУАММО

Кўҳна Бухоронинг Тоқи Заргарон маҳалласи ҳамиша гавжум. Бу ерда "Уста ва шогирд" мактаби фаолият кўрсатади. Ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази қошида ташкил этилган бу масканда таниқли кандакор, "Дўстлик" ордени соҳиби Раҳматилла Фатуллаевни учратдик.

-Эрталабдан то оқшом тушгунга қадар шу ердамиз, - деди кандакор бизни ичкарига бошларкан. – Мана, қўлимиздан чиққан тайёр маҳсулотлар. Томоша қилишингиз мумкин.

КАНДАКОР НИМАДАН ТАШВИШДА?

Чойдўш, дастшўй, шамдон, лаъли, қумғон... Қай бирини олиб қараманг, нафис, кўркам, жозибадор. Улардаги ранг-баранг нақшларни айтмайсизми? Шакли, тасвирлари бир-бирига уйғунлашиб кетган. Барчаси халқ амалий санъатининг ажойиб намуналари.

-Кандакорлик тарихи узоқ асрларга бориб тақалади.

(Давоми 2-бетда)

УМАРБЕКОВНИНГ ЎЛМАС ФАЗИЛАТЛАРИ

Мен аспирантурани тугатиб, университетга ишга келганимда, Ўлмас Умарбеков филология факультетининг V курсида талаба эди.

ЁДНОМА

Мен иш бошлашим биланоқ уларнинг курсига дарсга кирганманми-йўқми - ҳозир аниқ эслолмайман. Лекин бунисидан қатъий назар, ўша кезлардаёқ Ўлмас билан танишмаганман бўлишим мумкин эмас. Негаки, бу пайтга келганда Ўлмас матбуотда эълон қилинган бир қатор ҳикоялари билан анча танилиб қолган эди. Ўша пайтда бутун мамлакат қаҳратон қиш зимистонидан чиқиб, баҳорнинг илиқ шабадаларидан мириқиб нафас олаётганга ўхшарди. Адабиётда ҳам бир неча йиллар мобайнида алланечук мудроқлик ҳукм сурган бўлиб, ҳамма ўзи билан янги нафас, янги қарашлар олиб келадиган асарларни интиқиб кутарди. Адабиётга ёниб кириб келган Ўлмас Умарбеков ана шу янги адабиётнинг қалдирғочларидан бири бўлди.

(Давоми 6-бетда)

ХИКМАТ

Ҳар ким хиёнат ва эгрилик уруғини ҳаё даласига экса, ундан омонлик ҳосили чиқмаслиги муқаррардир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЕРНИ АЛДАСАНГ ҲАМ ЭЛНИ АЛДОЛМАЙСАН

ҲУШЁР БОЛА

АЗИЗЛАР... АСРАЙДИ

"КАБОБМИСАН, КАБОБ..."

Бир куни маҳалла гузаридаги аллақайси йиғинда ош, ошпазнинг маҳорати хусусида сўз очилиб қолди. Кимдир "Ошпаз бўлсанг, чўмичинг доим мой бўлади-да" деса, яна кимдир "Ошпазларнинг ҳалоли бўлмайди, доим нимадандир уриб қолишади, барака топгур, хўрандаларнинг саломатлигиниям ўйлашса-чи", дея улардан нолирди. Шунда уста Нурмат тоға ўзининг бошидан ўтган ажойиб бир ҳангомани сўзлаб берди.

-Бундан йигирма йиллар аввал қўшни тумандаги фалон колхўзда ошпазлик қилардим. Раисга менинг дидлилигим ёқиб қолиб, идора меҳмонхонасига ошпаз қилиб қўйса, денг. Аммо-лекин, ўзиям роса меҳмондўст йигит эди-да. Кундузи-ку хўп-хўп, ҳафтанинг камида тўрт туни меҳмоннавозлик билан ўтарди. "Нурмат, фалон ишни қил, Нурмат, фалон таомни ҳозирла" дейишини айтмайсизми. Биров "буям одам, дам олиши керак, ухлаши керак", демайди. Худдики, мени ўчоққа боғлаб қўйишгандек қозоннинг олдидан кетолмайман. Ана шундай тунги базмларнинг бирида яхшилаб "қовун туширидим-у", "жонфидо"ликдан ҳам қутулдим...

Тоғанинг бир одати бор. "Гапимни қандай қабул қилишаётган экан", дегандек энг қизиқ ерига келгач, бироз сукут сақлаб, даврадагиларни бир кур кўздан кечириб чиқади.

-Шу десангиз, раис шаҳардан меҳмон олиб келди. Ўзи икки кундан бери ухламагандим, тамомила "ўчиб" қолай деб турибман. Бир пайт кимдир "кабобни олиб келмайсанми?" деб қолди. Раиснинг одати бор, кабоб меҳмондорчилик сўнгида тортилади. Шунинг учун ҳали тайёрламагандим. Шошиб қолганимдан ўнта сихга апил-тапил қийма урдим-да, тарелкага солиб, қўранинг устига териш ўрнига... дастурхонга қўйибман. Ҳамма ҳайрон. Раис ғазабдан ўзини қўярга жой тополмайди. У-ку, майли, кайфи ошиб қолган бир меҳмоннинг хом гўштни чайнашга уринишини эсласам, ҳали-ҳали кулгим келади. Шерикларига қараб, "олинглар, ширин экан..." дея мулозамат қилишини-ку қўяверинг... Ўша тун менинг идора меҳмонхонасидаги охирги иш куним бўлганди.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ

СОДДА "ШАҲАРЛИК"

Бу воқеани менга бир курсдошим айтиб берганди: -Ўқишга янги келган пайтларим. "Шаҳарни қўлга оламан", деб аҳд қилиб қўйганмиз ўзимизча. Уйда борини супуриб келганман. Катта-катта сарфлайман.

Оғайниларим ҳам кўпайиб қолган. Ҳар куни "ота-от". Пулинг бўлса, ичишга баҳона ҳам топилаверяркан. Бора-бора бир тийинсиз қолдим. Буни қаранг, қалин оғайниларим ҳам муздан ясалган экан, шекилли, пулим тамом бўлганини билишлари биланоқ "эриб кетишди".

Биринчи стипендия. Пулни кўзимга суртгим келади. Бўлди, энди аяб ишлатаман, деб қарор қилдим. Катта курсларнинг "энг экономичний" деганига қараб супермаркетдан шакар олиб келмоқчи бўлдим. Бордим. "450 сўм" деб ёзиб қўйилибди. Халтачага тайёр ўралганидан олиб, кассага ўтдим.

-Тўққиз юз сўм, - деди кассир қиз менга чек узатаркан.

-Адашмаяпсизми, опажон? - ҳайрон бўлдим мен.

-Йўқ.

-Мен бир халта олдим, холос-ку...

-Тўғри...

-Ана, ана... Манг, 450 сўмингизни...

-Бу қанақаси? - кассир қизнинг капалаги учиб кетди. - Нега энди 450 сўм бераяпсиз?!.

-Ахир, анави ерда 450 сўм деб ёзиб қўйилибди-ку...

-Нима бало, меровмисан? - кассирнинг сенсирашидан ғазабим қиқилдоғимга туриб қолди. - Яхшилаб ўқимадингми, килоси 450 сўм деб ёзилган, халтада икки кило бўлса, 900 сўм бўлмай, гўр бўладими?

-Э-э-э, нима мени қишлоқи деб ўйлаяпсизми? Менам шаҳарликман, унча-мунчани биларман ахир...

Яна гапирмоқчи эдим, ҳамманинг "пиқ-пиқ" этиб кулаётганидан сўзимни йўқотиб қўйдим. Кассир ҳам бало экан, халтани шартта қўлимдан тортиб олди-да:

-Унда бор, ўша шаҳарингдан ол... - деди аччиқ билан. - Кимнинг навбати?..

Бахтиёр ЁКУБОВ

ЎКТАМХОН ПОЛВОН

Ўктамхоннинг қишлоқдошлари исмига полвон сўзини қўшиб аташади. Бу эшитган қулоққа ғалати туюлса-да, аста-секин кўни-қўшниларнинг истеъмолдаги сўзига айланди. Рост-да, Ўктамхон табиатан унча-бунча йигитлардан келбатли, ишни ҳам қойиллатади. Рўзғор ишида четда қолиб кетмайди, лекин кўнгли нозик, жаҳли чиқса, ҳеч кимни аяб ўтирмайди...

Байрам олдидан Ўктамхонларнинг сигири, онасининг таъбири билан айтганда, мушукдеккина ғунажини болалади. Оила аъзолари хурсанд. Тўғри-да, қишнинг изғиринида бир коса иссиқ сут ҳузури жон. Эртасига Ўктамхон сигир соғмоққа тутинди. Лекин ғунажиннинг "ҳунари" чиқиб қолса бўладими. Унга яқинлашиши билан кўзлари қинидан чиққудай бўлиб, типирчилайди, тепинади. Аммо боласига индамайди.

Шу таҳлит Ўктамхон соғмоқчи бўлади, сигир яқинига йўлатмайди, ярим соатча вақт ўтди. Ўктамхоннинг жаҳли чиқдими ёки ўзида куч топдими, шаҳд билан сигирни соға кетди. Шу пайт ғунажин тушмагур чунонам тепдики, челакка қўшилиб қўли ҳам учиб кетгандек бўлди. Асаб торлари таранглашган Ўктамхон ғунажиннинг сағрисига уч марта тушурди. Оғриқдан қўллари баттар зирқиради. Сигир эса ерга қулади. Узала тушган сигир оёкларини типирчилата бошлади. Бундан Ўктамхоннинг юраги ёрилаёзди. "Кудрати"дан қулишни-да, куйишни-да билмади. Онасининг бақиғидан сўнггина нима иш қилиб қўйганини англаб етди. Ҳар қалай ғунажин Ўктамхон билан онасининг узоқ "массажи"дан кейин оёққа туриб кетди. Бу воқеа қишлоқда роса ҳангома бўлди.

Шу-шу, Ўктамхон ғунажинини соғмоқчи бўлса, эҳтиёт шартдан оёқларини боғлаб қўяди. Лекин урмайди...

Саид РАҲМОНОВ

СЕПОЯМАС, ТОШПОЯ

Раис Урайим полвонни шифер олиб келиш учун юк машинасида Ангренга жўнатибди. У пайтларда шифер деган нарса анқонинг уруғидай танқислиги боис керак бўлиб қолар, деб полвоннинг қўлига ўнта ёғли патир билан Риштоннинг ўн кило қантак ўригини тутқазибди.

Уч кундан кейин машина қишлоққа қайтиб келибди. Кузовдаги шифернинг чамадагидан пастлигини кўрган раис таъминотчидан "Полвон, патир билан ўрикни жойида ишлатдингизми?" деб сўрабди.

– Довон тор, баланд-паст экан, машина узоқ юрди. Бунинг устига заводда бир кун навбат кутдик. Зерикиб кетганимдан эрмак бўлсин, дея берган ўригингизни патирга қўшиб еб қўйибман... – деб жавоб берибди полвон...

Беқиёс куч-қувватга эга Эргаш полвон ҳақида ҳам ҳангоманамо ғаплар юради. Дарвоқе, Эргаш полвон мироблик қилган йиллари сувчилар орасида "Полвоннинг тошпояси" деган гап роса машҳур бўлган. Ёз чилласида ҳайқириб оқадиган Сўх сойи суви қирғоқларни ювиб кетар, мироблар туну кун овора бўлиб унинг йўлига сепоя ташлар эканлар. Лекин сепоя деганлари қатор қилиб қоқилган қозиқлар орасига ташланган шох-шабба ва хашакли ғовдангина иборат бўлгани сабабли сув кучига дош беролмай оқиб кетавериб мироблар тинкасини қуритаркан. Галдаги сув тошқинида ўз кучига ишонадиган Эргаш полвон тоғдан катталиги қулочдек-қулочдек харсанг тошларни кўчириб олиб қирғоқ четига териб чиқибди ва сувни ўзани томон буриб юборибди. Бундан қойил қолган бошқа мироблар: "Полвон ака, бу ғовнинг оти ҳам сепоями?" деб сўрашса, "Йўғ-е, сепоя эмас, тошпоя" дея жавоб берган экан.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

КАНДАКОР НИМАДАН ТАШВИШДА?

(Боши 1-бетда)

Шундай эмасми? – суҳбатга тортамиз Раҳматилла акани.

-Энг қадимги тош асридан сўнг ўймакорлик санъати вужудга келган, - дейди у киши. – Турли уй-рўзғор асбоблари, қурол-яроғ, анжомларда кандакорлик меҳнатининг самараси кўзга ташланади. Биласизми, қадимда кандакорлик юртимизнинг Самарқанд, Хива, Қўқон сингари кўҳна шаҳарларида ҳам ривожланган. Аммо якка тартибдаги меҳнат тақиқланган шўро тузуми даврида кўпгина ҳунармандчилик турлари қатори кандакорлик ҳам унутилаёзди.

Шукрки, мустақиллик йилларида бу касбга меҳр қўйган, ота-боболаримиз анъанасини давом эттиришга бел боғлаган кишилар кўпайди. Ҳозир Бухорода 150 нафар кандакор уста бор. Юртбошимизнинг миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳақида 1997 йилда қабул қилинган Фармонлари биз кандакорлар ташвишини енгиллаштирди.

Раҳматилла ака ёшлигида ганч ўймакорлиги билан қизиққан. Кейин кандакорликка меҳр қўйди. Олийгоҳда шу касб бўйича таҳсил олди. Кандакорлик санъати билан шуғулланган, бу борада яхши ютуқларга эришгани боис, Германия, Франция, Чехия каби давлатларда бўлди. Америка Қўшма Штатлари, Канада сингари йирик давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро кўргазмаларда маҳсулотлари намойиш этилди.

-Кандакорлик хомашёлари анқонинг уруғи, деб эшитдик, - деб сўрадик у кишидан.

-Тилимиз учида турган гапни айтдингиз, - дейди уста. – Чиндан ҳам мис анқонинг уруғи бўлиб қолди. Ҳар қалай рангли металл деган номи бор. Ахир мис бўлмаса кандакор қандай ишлайди, қандай қилиб ёшларга ўз касбини ўргатади? Қачонгача у яширин йўллар билан мис топиш пайида бўлади?

Кандакор ташвиш чеккани-ча бор. Ахир, тикувчининг матосиз қўйлак тикишини тасаввур этиб бўладими? Тўғри, кандакорлар бу ҳақда каттакичик йиғинларда такрор-такрор айтишди. "Ҳунарманд" уюшмасига мурожаат қилишди. Аммо фойдаси бўлмаяпти. Балки вақти келиб бу муаммо ҳам ҳал этилар...

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ОБОДЛИК ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда)

-Газ бу роҳатижон, - дейди туман Газтаъминот идораси раҳбари Қ.Холмуродов. – Қийин бўлаяпти газ ўтказиш. Аммо уддалаяпмиз.

-"Зангори олов"ни илк бор кўрган хонадонлар кўпми?

-Кўп, - дейди раҳбар, - Боғора қишлоғидан Боҳористон қишлоғигача 4 километр газ қувури тортилди. Пахтазавод йўналиши бўйича. Ҳомийларга раҳмат. Пахта заводи ҳам, туман МТПси ҳам ёрдам берди. Опа-сингилларимиз, аёлларимизнинг хурсанд бўлганини кўрсангиз.

-Бир йилда шуми? – сўрайман.

-Йўқ-йўқ, бу ўндан бири. "Ҳуррият" деган маҳалламиз бор. Яқинда газ ёнди.

-Бориб кўрсак, нима дейсиз?

-Кетдик.

"Ҳуррият"даги газ қувурларини кўриб ҳавасимиз келди. Ахир шу қувурлардан қишлоқ хонадонига иссиқ меҳр – она ер тафти келиб турибди. Ўчоқнинг ўтидан кириб кулидан чиқаётган аёл энди битта гугурт билан "олов" ёқаяпти. Шинам хонадонга йўналдик. Аҳмад Мусаевнинг уйи экан. Касби шифокор. Фикрини сўрадик.

-Мана, газ келди. Бу – бир... ободлик, - дейди у.

-Газ ўтишини умид қилганмидингиз?

-Тўғрисини айтсам, студентлигимдан бери қишлоғимизга ҳам газ келса экан, деб ният қилар эдим. Мен дўхтир бўлиб ишлаётган Хўжамқулов маҳалласи бор, унга ҳам газ борди.

-Бу ҳали ҳаммаси эмас, - дейди Қ.Холмуродов. – Боҳористонда 4 километр, "Ҳуррият"да 1 километр газ қувури бюджетдан, 3 километри аҳоли ёрдами билан ўрнатилди. Яна "Оққапчиғай" ширкат хўжалигида автоматик газ тақсимлаш станцияси барпо этилди. Унинг қиймати 150 миллион сўмга тенг. Имконияти эса жуда кенг.

"Оққапчиғай"га келдик. Иш авжида. Хўжалик бош муҳандиси Ш.Тангирқулов бутун ишга бош-қош.

-Газ қувурининг узунлиги 3 километрдан ошди, - дейди у. – Ҳаммаси 4 километрга яқинлашади. 1 километри бюджетдан, қолганига ҳомийлар бор. Шу йўналишда "Оққапчиғай" ширкат хўжалиги, "Қоракўлча" фермерлар уюшмаси ва "Ўзбекистон" хўжалиги ҳудудидаги қишлоқларга газ етиб боради.

Газ келаётганидан энг кўп хурсанд бўлаётгани деҳқонлар. Бунинг сабаби бор. Жума ака Омонов умрини далада ўтказиб келаётганлардан.

-Мустақил бўлганимиз учун газ ўтаяпти, - дейди Жума ака. – Ёшим олтмишдан ошди. "Газ келади" дейишганда бир йил олдин ҳам "Қўй, шу эртакни" деб эдик. Мана, кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Тумандаги "Беш қаҳрамон" хўжалигининг Гултепа қишлоғи йўналишида ҳам 6 километр, "Камолот" хўжалигида 500 метрга газ қувури ўрнатилибди.

Қумқўрғонликлар ўтган йили пахта режасини уддалашди. Хўжаликлар ҳомийликка бел боғлади. "Беш қаҳрамон", "Ўзбекистон", "Қумқўрғон", С.Бойматов номли, М.Мирзаев номли хўжаликлар ўз ҳудудларида маҳалла гузарлари қурилишига маблағ ажратадиган бўлди. Гузарларда қишлоқ аҳлига қулайлик яратадиган ўнлаб маиший хизмат турлари бўлади. Деҳқон соч олдириш учун 30 чақирим йўл босмайди. Ҳаммаси маҳалла гузарида бўлади. Қолаверса, юзлаб кишилар иш билан таъминланади. Меҳр ва мурувват йилининг шарофати бу. 2004 йил охирида 5 та маҳалла гузари шинам ва кўркам бўлиб ярқираб турса, қандай яхши!

Туман бойияпти. Тадбиркорлар сахийлашаяпти. Айниқса, болаларга кўп ва хўп меҳр ва мурувват кўрсатилаётгани айни муддао бўлаётир. Ишбилармонларнинг ҳиммати билан мактаб ўқувчиларининг дарслик китоблари учун 5 миллион сўм ажратилди. Болалар қадрланаяптими, эртанги кун янада нурафшон. Туман ҳокимининг айтишича, ҳомийлик ёрдамида туман мактабларига 11 та энг замонавий компьютер тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Мактаблар қурилишида ҳам тадбиркорлар ҳиммати баланд. 31-ўрта мактаб учун 240 ўринли бино "Сурхон" комбинати, "Ғишт" хусусий корхонаси ва "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳомийлигида барпо этилмоқда. Тадбиркорлари мурувватли юрт ҳамиша обод ва кўркам.

Халқ хўжалигидаги ислоҳотлар боис ишбилармонлар йилдан-йилга қаддини тикламоқда. Қумқўрғондаги "Олтин чигит" Ўзбекистон – Юнонистон қўшма корхонасини республикамизда яхши билишади. У ҳозир 8 та вилоятга сифатли уруғлик чигит етказиб бераяпти. Тумандаги "Ғишт" хусусий корхонасига Холмўмин Саидов етакчи. Қўли очиқ инсон. Айниқса, болаларга меҳри баланд. Мактаблардан ҳеч қачон мурувватини аямайди. Хусусий корхона бир йилда 3 миллиондан ошиқ пишиқ ғишт тайёрлайди. Яъни, 108 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

-Юртимиз обод бўлса, бизнинг ҳам кўнглимиз обод, - дейди Х.Саидов.

Тумандаги енгил саноат касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилган "Маҳорат" кўп тармоқли ўқув-ишлаб чиқариш корхонасини кўриб, Германиядан келган тадбиркорлар ҳам мамнун бўлишибди. Корхона директори Ўроқ Мардонақуловнинг сўзини тинглаб, суюнасиз.

-Тикувчиликни, йигирувчиликни, тўқимачиликни ва матога бўёқ беришни йўлга қўйдик, - дейди у, - турли спорт кийимларини ўзимизда тайёрлаяпмиз.

Олис қишлоқда шунча иш. Тадбиркорликнинг чегараси йўқ. Ободликнинг асоси ҳам шунда. Режалар эса жуда кўп. Мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, коллежлар қурилиши. Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачиликдаги ютуқларни мустаҳкамлаш... Айтаверсак гап кўп...

Хуллас, туман кўркамлашмоқда, обод бўлмоқда. Унинг эртаси янада ёруғ.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Шу кунларда Хўжайли туманидаги "Хўжайли толаси" ҳиссадорлик жамиятида иш қизғин паллада. Қабул қилиб олинган пахта хомашёси қайта ишланиб, тола ва чигит истеъмолчиларга етказиб бериляпти.
СУРАТДА: Бош муҳандис Жумабой Дўстчанов ва Ўрозали Аширбеков.
Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҚУҚУҚИНИ БИЛГАННИНГ ҚАДДИ ТИК

(Боши 1-бетда)

Сабаби эса битта – фермерларнинг аксарияти амалдаги қонунларни яхши билмайдилар ва шу асосда ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олишмайди. Уларнинг фаолият жараёнида рўй берадиган воқеаҳодисаларни аниқ баҳолай олмасликлари, масаланинг моҳиятини чуқур, ҳуқуқий жиҳатдан тўла англаб етмасликлари оқибатида қўплаб қонун бузилиш ҳолатлари содир бўлаётир.

Фикримга аниқлик киритиш мақсадида, биргина мисол: ўтган 2003 йилда вилоят хўжалик суди фермерлар иштирокида 1388 та хўжалик низосини кўриб чиққан бўлса, шундан 238 тасида улар даъвогар сифатида қатнашдилар. Қаноатлантирилган 211 та хўжалик ишидан мулкдорлар ҳисобига ёки фойдасига 339102 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган, ер ҳайдашга трактор топса, ёнилғи ахтарган, минерал ўғит муаммолари туфайли тўрт томонга югуриб, ҳолдан толаётган фермерларнинг ҳақига хиёнат қилаётганлар ким, дейишингиз бор гап. Булар, асосан уларнинг етиштирган маҳсулотларини қабул қилаётган ва уларга техник хизмат кўрсатаётган корхона, ҳиссадорлик жамиятлари ва банк муассасаларидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонига биноан хўжалик судларида мазкур жараёнда аниқланган қонунбузарликлар бўйича жиноят иши қўзғатиш, айбдорларни моддий, интизомий ва маъмурий жазога тортиш ваколати берилган. Вилоятимизда ҳам ҳисоб-китоб идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари, асосан фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид равишда маблағларни ўз вақтида ўтказиб бермаслик ёки банкдаги пул маблағларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари кузатилди. Жумладан, Жиззах туманидаги "Саттор" фермер хўжалигининг 623700 сўм маблағи "Тадбиркорбанк"нинг Учтепа бўлими томонидан ноқонуний тасарруф этилган. Масала атрофлича ўрганилиб, ҳал қилув қарори билан фермер хўжалигининг манфаатлари тўла тикланди. Хизмат лавозимидан фойдаланиб, суиистеъмолликка йўл қўйган банкнинг собиқ раҳбари Б.Тотлибоев ва бош ҳисобчиси Ф.Бўроновга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, фермер хўжалиги топширган маҳсулоти учун ҳақини ундиролмай сарсон бўлади. Ҳолбуки, янги йилда хўжалик юритиши учун маблағ керак. Зарбдор туманидаги "Тиғириқ" фермер хўжалиги айнан шу хил даъво аризаси билан мурожаат қилди. Маълум бўлишича, фермернинг 79.590 килограмм маҳсулотини қабул қилиб олган "Зарбдор элеватори" ҳиссадорлик жамияти унинг 4529745 сўм пулини асоссиз равишда тўлашдан бош тортиб, сарсон-саргардон этган. Суд масалани чуқур ўрганди. Фермер хўжалиги даъво аризасида қайд этилган қарздан ташқари 2264872 сўм пеня, 679461 сўм жарима, 600 минг сўм сарф-харажат ва 200 минг сўмлик маънавий зиённи ундириб беришни талаб қилган. Бу даъво фермернинг ҳуқуқий жиҳатдан "ўта саводхонлиги"ни кўрсатиб турибди. Суд ҳайъати узоқ текшириш ва тафтишлар, муҳокамалардан сўнг фермерга 4529745 сўм қарзни ундириб берди. Унинг қолган даъволари асоссиз эканлиги тушунтирилди.

Айни пайтда фермерлар кўпроқ ғаллачилик билан шуғулланишмоқда. Уруғ ҳосилдор майдонга экилса, майли-ку, ориқ ерларга экилган дондан кўзланган ҳосилни олиш қийин. Кўшимча ишлов, ўғитлар талаб этилади. Минерал озуқа қанча туриши барчага яхши маълум. Уруғлик чигит баҳосини айтмаса ҳам бўлади. Техникани ишлатишдаги муаммолар-чи... Хуллас, минг машаққат чеккан фермер бунақа ердан ҳосил ундириб, даромад қилиши амри маҳол. Шунга қарамай кўплаб фермерлар топширган ғалласининг пулини вақтида ундиролмай овора бўлишмоқда.

Масалан, "Галақудуқ" фермер хўжалиги "Жиззах ун заводи" масъулияти чекланган жамиятига қарийб 57 тонна дон топшириб, пулини вақтида ололмаган. Вилоят адлия бошқармаси даъвогарлигида қўзғатилган бу иш ўрганилганда нафақат маҳсулотни қабул қилган корхона, балки "Ғаллабанк" Жиззах бўлимининг ҳам айби борлиги аниқланди. Натижада фермер хўжалигига қайта тайёрловчилар 1246324 сўм, "Ғаллабанк"нинг Жиззах шаҳар бўлимидан эса 311581 сўм маблағ тўла ундириб берилди.

Шунингдек, Мирзачўл туманидаги "Берекс" фермер хўжалигининг "Иржар пахта тозалаш заводи" ҳиссадорлик жамияти устидан қилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, топширган 70,2 тонна пахтаси учун 2796 минг сўм пули ва қўшимча 55920 сўм давлат божи ва 4000 сўм почта харажати қайтариб берилди. Дўстлик туманидаги "Бекзод У", Мирзачўл туманидаги "Фирдавсий", Зарбдор туманидаги "Шодлик" ва бошқа қўплаб фермерларнинг пахта тозалаш ҳамда донни қайта ишлаш корхоналари бўйича даъво аризалари ижобий ҳал этилди.

"Қирқбой ота" фермер хўжалиги эса экин майдонларини суғориш, шудгорлаш учун Пахтакор тумани "Бахмал" агрохизмат маркази билан шартнома тузган ва шу асосда аввал 4 миллион сўм, сўнгра яна 900 минг сўм пул кўчирган. Бироқ, марказ шартнома шартларини бузиб, техник хизмат кўрсатмаган. Фермер хўжалигининг қарзи устамаси билан 4965104 сўм қилиб ундирилди.

Арнасой туманидаги "Қилич-Бурҳон ота" фермер хўжалиги билан туман МТП ўртасида ҳам худди шу хил низо чиққан бўлиб, ташкилот турли сабаб ва баҳоналарни рўкач қилган ҳолда фермер хўжалигининг ғалласини ўз вақтида ўриб бермаган. Натижада кеч йиғиштириб олинган ғалладан катта миқдордаги исроф-гарчилик юзага келиб, хўжалик моддий зарар кўрган. Даъво аризаси аниқ далилларга асосланиб кўриб чиқилди ва фермер хўжалиги ҳисобига МТП айби билан кўрилган 490970 сўм моддий зарар ундирилди.

Афсуски, бунга ўхшаш мисолларни яна келтиравериш мумкин. Агар барча фермерлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла талаб қилишни билишганда эди. Бундай низолар келиб чиқмаслиги мумкин эди. Чунки ҳали кўпгина чигал масалалар ҳеч қандай қоғозбозликсиз, бир-бирига ишониш туфайли ҳал бўлмасдан қолиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан фермерлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, ҳуқуқий онгларини ошириш фурсати етган. Ўтган йили вилоят хўжалик суди қошида "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув маркази филиалининг очилиши бунда муҳим рол ўйнамоқда. Бу, биринчидан, фермерларнинг саводхонлигини оширишга хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, уларнинг аксариятида йўқ бўлган "ҳуқуқшунос"ларнинг ўрнини босаяпти.

Суҳбатдош: Ҳ.ШУКУРОВ .

ТИРИКЛИК МАНБАИ

Бебаҳо бойлигимиз саналган сувдан оқилона фойдаланиш ва уни исроф қилмаслик борасида кейинги пайтларда тез-тез сўз юритилаётгани бежиз эмас. Айниқса, унинг зарарланиши бугун оғриқли нуқталардан бирига айланган. Хўш, бу муаммонинг олдини олиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти?

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро жамғармасининг матбуот котиби Хония Асилбекова бу хусусда қуйидагиларни гапириб берди:

-Бугунги кунда сув ва сув билан боғлиқ муаммолар глобал тус олган. Айниқса, сувнинг зарарланиши масаласи ўта долзарблик касб этмоқда.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тайёрланган атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича миллий маърузада келтирилишича, сувнинг зарарланиши ўтган йили олдингига нисбатан бирмунча ошган.

Маълумки, Ўзбекистонда кўпгина дарёлар чегара орти дарёлари ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон ҳудудига тегишли бўлмаган ҳолда дарёларнинг ифлосланиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Масалан, Амударё ҳавзасининг кимёвий таркиби кўп миқдорда Туркманистон ҳудудидаги қишлоқ ҳўжалиги оқовалари ва саноат корхоналари оқава сувлари билан ифлосланмоқда. Энг юқори ифлосланиш эса Қизилжар қишлоғи атрофларида кузатилади. Бу ерда дарё суви таркибида фенол, нефт маҳсулотлари, аммоний азоти, нитрат каби моддалар борлиги аниқланган.

СУВ – БУ ҲАЁТ

Яна бир йирик дарё Сирдарё сувининг нефть маҳсулотлари ва оғир металлар билан ифлосланиш даражаси ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Айнан шу сабабли бугун Сирдарёнинг барча оқимларидаги сув сифати III даражага тушиб қолган.

Ўрганишлар шуни кўрсатяптики, республикамизда 78 фоиз ифлосланган сув суғорма деҳқончилик туфайли, 18 фоиз саноат ишлаб чиқариш ҳамда 4 фоиз коммунал хўжаликлар сабаб юзага келмоқда. Булар дарё сувларини ифлословчи маҳаллий манбалар ҳисобланади.

Саноат корхоналари ҳисобига ифлосланаётган сувларнинг 80 фоизи Тошкент, Фарғона, Навоий ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади.

Сувнинг зарарланиши ўз-ўзидан ичимлик сув танқислигини келтириб чиқаради. Ичимлик суви танқислигини бартараф этиш эса озмунча заҳмат талаб қилмайди...

Бу борада жамғарма бир қатор чора-тадбирлар билан бирга экологик ноқулай минтақаларда яшовчи аҳолига инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатмоқда. Жумладан, ўтган йили жамғарма Эрон Ислом Республикаси элчихонаси билан ҳамкорликда юз дона сув чиқарувчи насослар сув танқислиги юқори ҳудудлар – Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига топширилди.

Бир жиҳат муҳим. Бебаҳо неъмат – сувни тежаш, уни исроф қилмаслик ҳаёт тарзимизга айланмоғи керак. Айниқса, ёш авлодда бу табиат инъоми қадрига етиш ҳиссини уйғотиш, экологик маданиятни шакллантириш тириклик манбаи билан боғлиқ муаммолар ечимининг гаровидир.

Феруза ҚУВОНОВА суҳбатлашди.

Ҳалол хизматию, ишчанлиги билан жамоадагиларга ўрнак бўлиб, меҳнатига яраша раҳмат эшитиш инсонга ҳузур бағишлайди. "Тоштўқимачи" очиқ акциядорлик жамияти иккинчи тўқув фабрикаси ишчиси Вилоят Қудратова ҳам меҳнат қилиб ҳурмат топаётганлардан.

СУРАТДА: Вилоят Қудратова.
К.ЎЛМАСОВ олган сурат.

БОЖХОНА

САРҲИСОБ

Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг 2003 йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда асосан қўмитанинг 2003 йил давомидаги хизмат фаолияти якунлари, шунингдек, божхона органларининг 2004-2006 йилларда ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш каби бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, ўтган йил давомида давлат бюджетига 291,8 миллиард сўм миқдорида божхона тўловлари ўтказилиб, белгиланган йиллик режа 102,3 фоизга бажарилди.

Ҳисобот даврида қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 21 минг 786 та контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланди ва улар бўйича божхона органлари томонидан 807 та ҳолатда жиноят қўзғатилди. Юритилган 19 минг 749 та маъмурий ишлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Тадбирда ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, жорий йил учун белгиланган истиқбол режани бажариш мақсадида тўловлар соҳаси, уни такомиллаштириш ва резервларни қидириб топиш, божхона қийматини тўғри аниқлаш, ноқонуний олиб кирилаётган товар-моддий бойликларни олдини олиш ва бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масалаларини ҳал этиш юзасидан ҳайъат қарори қабул қилинди.

Нурбек САЛОМОВ

ҲУШЁРЛИК

Қорақалпоғистонлик божхона ходимлари ўтган йилни муваффақиятли якунлашди.

- Ўтган йили, - деди Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ташкилий-назорлик бўлимининг бошлиғи Бахтиёр Йўлдошев,- давлат бюджетига 5 миллиард 46 миллион 141,1 минг сўм маблағ туширилди. Бу 2002 йилга нисбатан 1,3 фоиз кўп демакдир.

Шунингдек, йил давомида 1226та контрабанда ва божхона қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди. Божхона постларида Қорақалпоғистон Республикасига олиб кирилмоқчи бўлган олти дона ўқ отар қуроллар, 197 дона ов милтиқлари ва ўқлари, 44 килограмм 550 грамм портловчи моддалар ушлаб қолинди.

"Туркистон-пресс"

Учқўрғон туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор. Баҳор ўн-ўн беш кун кечроқ келади. Ёмғирли кунлари кўпроқ бўлади. Ҳарорати ҳам вилоят марказига нисбатан 2-3 даража паст. Кечалари салқинроқ. Негаки, қўшни Қирғизистоннинг тоғлари яқин.

Баҳор ойларида юз бераётган ногаҳоний селлар деҳқонларни анча шошириб қўяди. Бироқ туман раҳбарлари, мутахассислару фермер хўжаликлари етакчилари табиатнинг бундай кутилмаган инжиқликларини бартараф этишга одатланишган.

Улардан бу ҳақда сўрасангиз, "қизил" гаплардан қочишади, тўғрисини айтишади. Вазиятга холис баҳо бериш учун интилишади. Эртага миси чиқиб қоладиган ёлғонларни ёқтиришмайди.

Меҳнат қилишга келганда жон-жаҳди билан тер тўкишади. Ўтган "Наврўз" байрамида туман марказидаги болалар спорт мактабининг очилишида қатнашгандик. Бу гал эса ғалла ва пахта етиштиришда илғор – Улуғбек номли ширкат хўжалигида бўлдик. Омборлари донга тўлибди. Ҳар гектар майдондан ўртача 57 центнердан дон етиштирилган.

Хўжалик иқтисодчисидан олган маълумотга кўз ташлаймиз. Пудратчилардан Зокир Давронов, Турғунпўлат Мингбоевлар ҳар гектар майдондан 75 центнердан буғдой олишибди. Бозор иқтисодиёти шароитида пудратчининг етиштирган ҳосили натижасидан нафақат кўнгли, балки ҳамёни ҳам тўлиши керак. Акс ҳолда ғайрат қилиб ишлаш учун иштиёқ астасекин сўниб боради. Хўжалик бўйича давлатга 1215 тонна дон сотилган бўлса, шартномадан ортиқча 250 тоннадан ортиқ ғалла ишчиларга тарқатилган. Ғаллакор ўз улуши сифатида олган буғдойни хоҳласа бозорга олиб чиқади, хоҳласа ун қилиб, рўзғори учун ишлатади.

Хўжаликнинг иқтисодий имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётгани, бундан деҳқонлар ҳам кўпроқ манфаат кўраётгани хусусидаги далиллар билан танишаяпмиз-у, туман ҳокими, Олий мажлис депутати Баҳодир Охуновнинг гаплари ёдга тушади:"Гоҳида айримлардан деҳқоннинг қосаси оқармайди, деган гапни эшитиб қоламиз. Бу фикрга қўшилмайман. Негаки бобомиз Баҳовиддин

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ТОПАДИ ИҚБОЛ

Нақшбанд ҳазратлари таъбири билан айтганда, дилига Оллоҳни жо қилиб, қўли меҳнатда бўлганларнинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди."

ИНТИЛИШ

У киши яна бир қизиқ гапни айтганди:

"Илгари прокурорнинг ўғлиман, отам қўшма корхона раҳбари, менинг дадам вазирликда ишлайди, деб ғурурланиб юрадиганлар кўп эди. Энди эса "фалончи" фермернинг боласиман, шунча гектар еримиз, шунча техникамиз бор, деб фахрланадиганлар кўплигидан қувониб кетаман. Деҳқон фарзандининг кўксига офтоб тегса, биз қувонмай ким қувонсин!"

Ширкат хўжалиги раиси Ойбек Аҳмедов жуда самимий инсон экан. Камтарлиги узоқ йиллар хўжаликда бош муҳандис бўлиб ишлаганидан, деб ўйладик. Яхши муҳандис техника билан тиллашса, нияти холис деҳқонбобо ер билан гаплашади. Ҳар иккисининг ҳам эгнидаги камтарлик либоси, кўнглига ўхшаб оқ.

-Хўжалик мутахассислари, тажрибали пахтакорлар, селекционер олимлар билан маслаҳатлашиб ўтган йили 687 гектар майдонга "Оқдарё-6" навли чигит эккандик, - дейди хўжалик раҳбари. – Бу майдоннинг ярмидан кўпроғига чигит плёнка остига қадалди. Баҳордаги сурункали ёмғирдан зарар кўрган пайкалларнинг маълум бир қисми қайта экилди, ола бўлиб қолган майдонларда ҳам ниҳоллар ривожини тезлаштириш чораларини кўрдик. Етиштирилган пахта хом ашёси асосан биринчи навга топширилди. Ҳозир зараркунанда ҳашаротларга қарши биолабораториялар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. "Пахтатозалаш" ҳиссадорлик жамияти, ёнилғи таъминоти корхоналари билан контрактация шартномалари тузилди.

Тутзорлар атрофидаги ариқлар тозаланаётир. Йўлларнинг икки томонидаги дарахтлар таглари юмшатиляпти. Кўз юмиб очгунча баҳор келиб қолади. Пилла мавсуми бошланади. Пиллачилар кейинги бир неча йиллардан бери давом этиб келаётган муаммолар бу йил барҳам топар, деган умид билан яна қурт боқишга ҳозирлик кўришмоқда. Тут парвонаси касаллигига қарши чоралар кўрилган. Пиллачиликдаги ечимини кутаётган муаммоларни тезроқ бартараф этишга ҳукуматимиз томонидан ўтган йили чиқарилган қарорлар омил бўлиб хизмат қилишига пиллачилар умидвор бўлишмоқда. Ижро интизомига қатъий амал қилиш - ютуқлар омили экан, бу ҳақиқатни барча англаб етиши лозим. Шоир Огаҳий таъбири билан айтсак, "Роҳат муяссар бўлмас, то чекмасанг машаққат".

"Қўғай пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти хўжаликдан унча узоқ эмас. Ҳиссадорлик жамияти мутахассислари Улуғбек номли ширкат хўжалиги томонидан топширилган пахта хом ашёси сифати анча юқори бўлганини таъкидлашди. Масалан, Камол Каримов бошлиқ пудратчилар 52 гектар майдондан 165 тонна пахта хом ашёси етиштириб, фақат биринчи навга сотишди. Шунақа пудратчилар хўжалик иқтисодий салоҳиятининг йилдан-йилга юксалиши учун муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Болалар спорти масаласи ҳам жамоа етакчиларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Ўтган йилнинг ўзида хўжалик болалар спортини ривожлантиришга бир ярим миллион сўм маблағ ажратди.

Деҳқон пул топса уй қуриб, тўю томошалар қилади. Буни Учқўрғон қишлоқларида бўлган киши борки, яққол кўради. Хўжалик ҳудудида янги қурилган уйлар кўпайиб бораётир. Замонавий маҳаллалар пайдо бўлаётир. Яқинда Шаҳрихончек қишлоғига қувурлар тортилди. Табиий газ келди.

Қишлоқ обод бўлса, шу жойда истиқомат қилаётган ҳар бир хонадонга меҳр ва мурувват кирса, дастурхонлар ноз-неъматларга тўлса, юртимиз тинч бўлса, бундан-да ортиқ бахтиёрлик борми! Учқўрғондан қайтар эканмиз, ҳар кимга ўзининг ниятига яраша бераман, деган Оллоҳнинг каломи беихтиёр дилимиздан ўтди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" махсус мухбири.

Айни пайтда Шаҳрихон туманидаги "Найнаво" ширкат хўжалигида мавжуд техникаларни мавсумга ҳозирлаш учун жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Яроқсиз қисмлар янгисига алмаштирилиб, тракторлар рангланяпти. Усталар манфаатдорлиги яхши йўлга қўйилган.

СУРАТЛАРДА: иш жараёни.

Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

ЎЗИМИЗНИКИДАН ҚЎЙМАСИН

-Ўтган йил 102 минг гектар суғориладиган, 70 минг гектар лалми майдонларга ғалла уруғи қададик, - дейди Самарқанд вилоят ғалла уруғчилиги бошқармаси бошлиғи Шомирза Сафаров. – Келгуси йил уруғлиги учун ҳам пухта замин яратилмоқда. 200 дан зиёд энг сифатли маҳсулот тайёрлашга эришаётган хўжаликларга "уруғчилик хўжалиги" мақоми берилган.

Бундай мақомга эга хўжалик майдонларида маҳаллий ва хорижий уруғчилик селекциялари ривожлантирилмоқда. Навлар авлодига қараб, эришилаётган самаралар сархисоб қилиниб, хўжаликлар 75-200 фоизгача устама ҳақ билан рағбатлантирилмоқда.

ТАҲЛИЛ

Очиқ айтиш керак, лалми майдонларда деҳқончилик қилишнинг мураккабликлари талайгина. Бунинг учун ҳаддан зиёд меҳнат, сарф-харажат талаб этилади. Лалми уруғчилиги муаммоси эса ҳаммасидан ошиб тушмоқда. Мос навларнинг етишмаслигига 1996-97 йилларда юз берган қурғоқчилик ҳам сабаб бўлди. Сурхон – 5688, Крансноводопад – 210, унумли арпа навлари ҳам кескин камайиб кетди. Бундай тақчиллик республикамиз миқёсида сезилмоқда. Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги лалми уруғчилиги билан шуғулланадиган илмий текшириш институти бўлими кейинги йилларда умуман янги нав тавсия этолмаяпти. Бу муаммони мамлакат миқёсида ҳал этишга киришиш вақти эса аллақачонлар келган.

-Лалми ерда суғориладиган майдонларга нисбатан 2-3 карра кўп меҳнат, сарф-харажат қилинади, ҳосилдорлик эса 8-10 карра кам бўлади, - дейди Нуробод туманидаги ижара хўжалиги бош ҳосилоти Жўрабой Ёрқулов. – Ғалланинг харид баҳоси сувли майдонларники билан бирдай. Лалмикор минтақалар деҳқончилиги имкониятларини чуқур ўрганилиб, намлик даражаси кам ва ўртача таъминланган майдонларга уруғ сепиш қисқартирилди.

Туманимизда илгари 50 минг гектар лалми ғалла экилар, ҳосилдорлик 3-4 центнерни ташкил этарди. Эндиликда майдонлар қисқартирилиб, асосан "Жом", "Улус", "Олға" хўжаликларида деҳқончилик қилинмоқда. 25-30 центнергача ҳосил олаяпмиз. Туманимиз бўйича жорий йилги ҳосилдорлик ўртача 15 центнерни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, ортиқча меҳнат, харажат камайиб, даромад эса кўпайди. Уруғчилик билан ўзимиз шуғулланаяпмиз.

Каттақўрғон туманидаги Жума Ҳайитов номли фермер хўжалиги қатор йиллардан буён ғалладан мўл ҳосил кўтариб келмоқда. Шу боис хўжаликка "уруғчилик хўжалиги" мақоми берилган. Жорий йилда 150 гектар ердан 53 центнердан ҳосил олган деҳқонлар бу йил 100 гектар ерда буғдойни уруғлик учун парвариш қилишмоқда.

Кейинги 2-3 йилдан буён фермерлар замин саховати кенг эканига амин бўлишди. Мулкчилик шаклининг ўзгараётганлиги, ер ҳақиқий эгасини топаётгани боис ҳосилдорлик тобора кўтарилмоқда. Бугун қайси фермернинг даласига борманг, ниҳолларини бир текис ривожлантириш чора-тадбирларини кўраётганини учратасиз. Қилинаётган бу тадбирларнинг барчаси келгуси йилда ҳам мўл ва энг муҳими сифатли ҳосил олинишига замин яратади.

Яқин йилларгача новвойларимиз Қозоғистон унларини маъқул кўришарди. Эндиликда Самарқанд тегирмонларида тайёрланаётган унларнинг бозори чаққон бўлиб кетди. Боиси буғдойимизнинг, унимизнинг сифати ошди. Пиширилаётган нонлар эса барчага манзур бўлмоқда. Самарқанд дон маҳсулотлари очиқ турдаги акциядорлик уюшмасига қарашли бош корхонада ҳар 100 килограмм буғдойдан 75 фоиз биринчи навли ун олинмоқда. Новвойлар Самарқанд унидан машҳур Осиё нонларини ёпишмоқда. "Жомбойдонмаҳсулот" корхонаси Афғонистон давлатига, "Осиё Афросиёб" ҳиссадорлик жамияти эса қўшни Тожикистонга ўз маҳсулотлари экспорт қилмоқда. Бундай ютуқлар Ўзбекистон четга ғалла ва ун чиқара бошлаган мамлакатлар қаторига қўшилаётганидан дарак беради, албатта.

Ўктам ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СЕРГАК БЎЛИНГ:

ХАВФЛИ, ЮҚУМЛИ

(Боши 1-бетда)

Маълумотлар билан танишар эканмиз, тиббиёт инсонни, ветеринария инсониятни даволайди, деган ҳикмат нечоғли топиб айтилганига амин бўламиз. Хўш, бугун аксарият мамлакатларнинг асосий эътибори ветеринария соҳасига қаратилган бир пайтда республикамиздаги мазкур соҳа вакиллари қандай ишларни амалга оширишмоқда? Табиийки, бу барчани бирдек қизиқтириши турган гап.

-Махсус дастур бўйича республикамизда ҳар йили 46 турдаги диагностик текширишлар, 60 турдаги профилактик эмлашлар, 17 турдаги даволаш-профилактик чўмилтиришлар ва 14 турдаги гелминтсизлантириш ишлари мунтазам ўтказилади, - дейди республика Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Рўзимуродов. – Тадбирларнинг ўз вақтида, кечиктирмасдан ўтказилишини таъминлаш мақсадида бошқармамиз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган 14 та ветеринария бошқармалари, юзлаб ветеринария лабораторияларимиз, туман ва шаҳар бўлимлари фаолияти тубдан яхшиланган. Бундан ташқари, республикада ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича махсус лабораториямиз ҳам мавжуд. Бундай касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган комплекс профилактик тадбирлар натижаси ўлароқ 2003 йили Халқаро Эпизоотик Бюро (ХЭБ)нинг таснифи бўйича "А" гуруҳига кирувчи ўта хавфли юқумли касалликлар қайд этилмади. Шунингдек, охирги йилларда инсонларнинг эпоантропоноз касалликлар билан оғриши ҳам кескин камайган.

Дарҳақиқат, 1996 йилнинг 18 январида Вазирлар Маҳкамасининг "Инсонлар ва ҳайвонларнинг қутуриш касаллигига қарши кураш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида"ги қарори қабул қилингач, республика ветеринария хизмати томонидан 84 та ит тутиш гуруҳлари ташкил этилди. Чунки касалликнинг 95-98 фоиз манбаи қаровсиз ит-мушуклар ҳисобланади. Тадбирлар аста-секин кутилган натижани бера бошлади. Олинган маълумотларга кўра, носоғлом пунктлар сони 628 тадан 63 тага тушган. Бироқ ўтган йили 53 ҳолатда (итларда) мазкур касаллик қайд этилган. Шундан 26 таси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келса, қолгани Самарқанд вилоятида кузатилган.

-Вазиятнинг бундай тус олиши дайди ҳайвонларга қарши етарли даражада кураш олиб борилмаганлигини кўрсатади. Чунки кўпгина шаҳар, туман марказларида бу иш билан бир нафар шахсгина шуғулланади, - дейди М.Рўзимуродов. – 2003 йили 135596 бош дайди ҳайвонлар (105930 боши ветеринария хизмати томонидан) йўқотилган. Маҳаллий идораларнинг фаоллигини ошириш учун аввало, ит тутиш гуруҳларини ишчилар, транспорт ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш лозим. Шундагина касалликнинг олди олинади, мавжуд муаммолар барҳам топади.

Суҳбатдошимизнинг гапларида жон бор, албатта. Касални даволагандан кўра, олдини олган афзал, деган гап бор. Биргина 1998-2002 йилларда Филиппин, Дания ва Голландиядаги воқеаларни эслаб кўрайлик. Оқсил эпидемияси оқибатида ушбу давлатлардаги қарийб барча қорамоллар нобуд бўланди. Буларнинг бари эътиборсизлик ва бепарволик меваси эканлиги, шубҳасиз.

Мутахассисларнинг фикрича, оқсил – алоҳида касаллик сифатида инсониятга бундан 500 йил илгари маълум бўлган, бироқ қўзғатувчиси 100 йил олдин аниқланган, холос. Очиқ айтишимиз керакки, фан ва техникада эришаётган ютуқларимизга қарамасдан оқсил кўплаб давлатларнинг чорвачилиги ва чорва савдосига катта иқтисодий зарар етказаётгани кишини ҳушёр торттиради. Масалан, ҳар йили ушбу касаллик 50-60 мамлакатда турли ҳайвонларни, маълум даражада зарарлайди. Расмий маълумотларга қараганда, МДҲнинг Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Туркманистон каби давлатлари оқсил бўйича носоғлом зона (1996-2003 йиллар) деб қайд этилган. Беларусь, Молдова, Украина, Ўзбекистон ва Болтиқбўйи давлатлари эса бу касалликдан холи ҳисобланади.

Бундан бир неча йиллар муқаддам республикамизда ҳам ҳайвонларнинг оқсил билан касалланиши чорвачилигимизга катта иқтисодий зарар келтиргани, ҳатто бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолияти тўхтаб қолгани ҳали кўпчиликнинг ёдидан чиқмаган. Ўша пайтлар, яъни 1941 йилдан 1971 йилгача оқсил эпизоотияси бирон йил ҳам тўхтамаган. 1951 йил 157 минг бош қорамоллар, 1957 йил 189 минг бош майда шохли чорва оқсил касаллигидан зарарланган. Энди ўзингиз арифметик ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Шунда ветеринария хизматининг нечоғли жиддий ва керакли эканлигини англаб етасиз.

-Оқсилга қарши эмлаш ишлари оммавий равишда ўтказилиши ва карантин кўриқлаш тадбирлари эпизоотик ҳолатнинг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди, - дея сўзида давом этди М.Рўзимуродов. – Шунингдек, эпизоотик тадбирлар учун ажратилган бюджет маблағининг 70 фоиздан кўпроғига мазкур касалликка қарши эмламалар ва диагностикумлар сотиб оламиз. Ўтган йили 8,2 миллион доза (жумладан, 2 миллион доза оқсилга қарши) эмлама келтирилди, жорий йил учун ҳам 840 миллион сўмга 2 миллион доза оқсилга қарши эмламалар олинди. Айни кунларда чорва молларини профилактик эмлаш ишларини бошлаб юборганмиз. Бу касалликка қарши керакли ғов қўйилди дегани. Қолаверса, қўшни давлатлар билан чегарадош вилоятларда хавфли касалликларнинг юртимизга кириб келиши олдини олиш мақсадида чегара-текширув ветеринария постлари (шоҳобчалари) фаолияти йўлга қўйилган. Бу соҳамизда муаммолар йўқ, дегани эмас, албатта. Масалан, қорамоллар миграцияси ўта кучли, хусусий сектор ҳайвонларининг олди-сотдиси бетартиб. Шу боис ҳар бир ишбилармон, тадбиркорга ветеринария шифокори маслаҳатига риоя қилишни ва доимо профилактик тадбирларда шифокорга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Таъкидлаб ўтиш керакки, эски, оддий технологиялар асосида рухсатсиз ишлаб чиқарилган ёвуз чет давлатлардан рухсатсиз олиб келинган, вакциналар, қон зардоблари ҳам сотувга чиқиб кетяпти. Буларнинг таъсирида учраётган кўнгилсиз ҳодисаларга бот-бот дуч келяпмиз. Шунинг учун тиббиётдаги сингари ветеринария соҳасида ҳам фақат мутахассис кўрсатмаси билан иш тутган маъқул. Ўзбошимчалик билан ўтказилган тадбир мудҳиш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



МЕКСИКАДА ТАБИИЙ ОФАТ

Мана ўн кундирки, Мексиканинг деярли барча ҳудудини совуқ ҳаво оқими қоплаган. Баъзи штатларда қор ёғиб, йўллар музлаб қолган. Ҳарорат нолдан пастга тушиб кетган.

Жанубий ўлка учун бу ҳол бахтсиз ҳодиса саналади. Мексика аҳолиси бундай об-ҳавони табиий офат, деб қабул қилишмоқда. Мексикаликларнинг сўзида жон бор, албатта. Охирги 20 кун давомида об-ҳавонинг совиб кетиши оқибатида 79 киши ҳалок бўлган. Тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари совуқдан азият чекканлар билан тўлиб кетган.

Ҳосил майдонларининг кўпгина қисми қор остида қолганлиги қишлоқ хўжалиги катта зарар кўрганидан далолат беради, деб ёзади "Figaro" газетаси.

ҲУКУМАТ КИМГА БЕРИЛАДИ?

БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида ташкилотнинг бош котиби Кофи Аннан ва Ироқнинг муваққат ҳукумати бошлиқлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Ироқ ҳукумати кимга берилиши учрашувнинг асосий мавзуси ҳисобланди.



Ироқ муваққат бошқарув кенгашининг раиси Аднан Пачачининг сўзига кўра, ироқликлар бундай масала бутунжаҳон сўровномалар асосида ҳал этилиши тарафдори эканлар. Кофи Аннан яқин кунлар ичида сўровномалар устида иш олиб борадиган янги гуруҳ тузилиб, Багдодга юборилишини айтди.

Бош котибнинг берган маълумотига кўра, Ироққа халқаро кузатувчиларнинг қайтиб келаётгани мамлакатда вазият бирмунча барқарорлашганидан дарак берар экан.

Вашингтон Ироқда парламент ва ҳукумат сайловлари ўзининг биринчи ойида бўлишини таъкидлаб ўтди. Бироқ бу йўлда бир тўсиқ пайдо бўлмоқда. Ироқда сайлов ўтказиш учун конституция мавжуд эмас. Бу эса ҳал этилиши лозим бўлган навбатдаги муаммо саналади.

"АРЗИМАС АЙБИ" УЧУН

Хитой суди Huiwei and Trade компаниясининг иш бошқарувчиси Гай Чинни ўлим жазосига ҳукм қилди. 48 ёшли Гай Чиннинг айби Гуаньдон провинцияси орқали тахминан 910 минг тонна соя ва зайтун мойини ноқонуний тарзда олиб ўтганида экан.

Шу билан бирга Гай Чин 290 миллион АҚШ доллари миқдоридаги солиқни тўламаганликда ва 300 минг долларни божхона ходимларига пора сифатида берганликда айбланмоқда. Компания иш бошқарувчисидан пора олган божхона ходимларининг айби исботланиб, уларга қамоқ жазоси белгиланган.

ПОРТЛАШ

Жазоирдаги газни қайта ишловчи заводда кучли портлаш содир бўлган.

Портлаш оқибатида 23 ишчи ҳалок бўлиб, 80 га яқин одам яраланган. Ўт ўчирувчилар 15 соат мобайнида оловни бартараф этишга муваффақ бўлишган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг берган маълумотига кўра, қувурларнинг носозлиги туфайли газ оқиб чиққан ва ёнғин содир бўлган. Натижада юқори сиғимли газ цистерналари бардош беролмай портлаб кетган. Заводнинг аксарият ишлаб чиқариш тизими ишдан чиққан.

Европа ва бошқа мамлакатларга бир йилда 10 миллиард кубометр газни экспорт қилувчи ушбу заводнинг кўрган зарари бир неча миллион долларга етган, дея хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги.

ҲАМКОРЛИК

Россия ва Ҳиндистон ўртасида яна бир янги ҳарбий техника соҳасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилди. Келишувлар Сергей Иванов ва Ҳиндистон мудофаа вазири билан олиб борилди.

Қиймати 500 миллион долларни ташкил этувчи янги шартномага биноан Ҳиндистон ҳукумати "Адмирал Горшков" самолёт ташувчи кема, "Т-90с" бронетанклари ва "МиГ-29" рус қирувчи самолётларини сотиб оладиган бўлди. Яқин кунлар ичида Ҳиндистон денгиз флоти Россиядан яна бир ракеталар билан қуролланган денгиз фрегатини сотиб олиш эҳтимоли борлигини мудофаа вазири айтиб ўтди.

Ўзаро келишувлар чоғида Россиянинг "СУ-30" қирувчи самолётлари билан боғлиқ бир қанча таклифлар ўртага ташланди.

Эслатиб ўтамиз, Ҳиндистондаги аксарият "СУ-30" ҳаво кемаларининг двигателлари муддатидан аввал ишдан чиқиши сабаб ҳинд томони шартномаларни бекор қилган эди.

ҲАЛОКАТ

Гондураснинг шарқий ҳудудида икки моторли енгил самолёт ҳалокатга учраган.

Гондурас хавфсизлик вазири ўринбосари Армандо Калиданионинг баён этишича, мамлакат ҳаво кучлари ушбу енгил ҳаво кемасининг изига тушгандан сўнг кўниш чоғида ҳалокатга учраган. Самолёт экипажи ҳозирча маълум қилинмаяпти. Фақат унинг бортида катта миқдордаги кокаин моддаси борлиги айтиляпти, холос.

10 январ куни худди шундай енгил самолёт ҳаво кучлари томонидан қўлга олинганда бир тоннага яқин кокаин ортиб кетилаётгани маълум бўлган эди.

Бундай усуллар билан колумбиялик наркобизнесменлар Гондурас орқали АҚШга ҳар йили 100 тонна кокаин моддаси олиб ўтишар экан.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

"МАИС" НИМА?

Бундан бир неча минг йиллар аввал қадимий ҳиндулар – инклар ва ацтеклар маккажўхори етиштиришган.

Инкларнинг гуллаб-яшнаган давлати Перуда, Жанубий Америкада, ацтеклар давлати эса Мексика ҳамда Марказий Америкада бўлган. У ерда маккажўхорини "маис" деб номлашган ва муқаддас ўсимлик ҳисобланган. Колумб бу ажойиб ўсимликнинг донини Европага олиб келган. Ҳиндулар маиси Испания ва Португалия иқлимига жуда мос тушади. Кейинчалик у ердан Африка ва Осиёга тарқалади.

Маисдан ёғ, ун, ёрма, конфетлар, киноплёнкалар тайёрланади. Дони, пояси ва сўтасидан тайёрланган силос чорвачилик учун тўйимли озуқадир.

МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАР

Каноп ва зиғир қадимий ўсимликлардан ҳисобланади. Бу ўсимликлар поясида тола мавжудлиги учун улар йиғирилади.

Қандай қилиб дейсизми? Унда эшитинг. Пояси дастлаб ивитилади. Қуритилиб, махсус машиналарда тола поянинг ўзагидан ажратилади. Каноп толасидан ип, брезент ҳамда қоп тайёрланади. Зиғир толасидан турли-туман матолар ишлаб чиқарилади. Зиғир толасидан тайёрланган газламалар кўркам бўлиб, намни яхши шимади ва тезда қурийди. Зиғир ва каноп ўзаги қоғоз ва пластмассалар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Зиғир ва каноп мойидан балиқ консервалаш ва қандолатчилик саноатида ҳам фойдаланилади.

Х.МАҲАМОВА

НАБОТОТ

УМАРБЕКОВНИНГ ЎЛМАС ФАЗИЛАТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, унинг илк ҳикояларидаёқ аллақачон қотиб қолган ёзувчининг оёқ-қўлларини кишандай бандлаб оладиган совуқ қолиплардан қочиш бор эди. Уларда жонли ҳаёт нафаси устувор эди, унинг қаҳрамонлари ўзимизга таниш бўлган, ўзимиз каби реал ташвишлар билан яшайдиган одамлар эди. Бунинг устига улар бир зумда китобхонда илиқ туйғулар уйғотар, уларнинг муҳаббатини қозониб оларди. Ўлмас ҳикояларида турғунлик даври адабиётида деярлик йўқолиб кетган яна бир муҳим фазилат мавжуд эди – улар жуда теран самимият билан суғорилган бўлиб, ёш адиб китобхонга ўз қалбини тўлалигича очиб беришга, ўзининг ҳис ва туйғуларини яширмай, тўлатўкис намоён этишга интилганди. Шунинг учун ҳам унинг ижоди Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом каби атоқли санъаткорларнинг ҳам назарига тушди. Уларнинг диққат-эътибори эса ёш ёзувчини енг шимариб, янада ғайрат билан ижод қилишга ундади. Шу тарзда 60-йилларнинг бошида "Севгим-севгилим" қиссаси майдонга келди. Қисса ҳажман увоққина бўлса-да, худди Чингиз Айтматовнинг "Жамила"си ёки Одил Ёқубовнинг "Муқаддас"и каби ўша даврнинг адабий ҳаётида катта ҳодиса бўлди. У ўн минглаб ёшларнинг эътиборини жалб қилди, уларнинг ўртасида қўлмақўл ўқилди, қизғин баҳсларга ва мунозараларга сабаб бўлди. Бу қисса ўзбек прозасида шахсга сиғиниш оқибатларига қарши ёзилган асарлардан бири эди. Ёш адиб бу улкан фожеанинг аламли дақшатини оддий ўзбек қизи Ойпопук тақдирида кишини ларзага соладиган даражада ҳаяжонли очиб берган эди. Ойпопукнинг отасини бекордан-бекорга қамайдилар. Бу Ойпопук учун дақшатли зарба эди. У отасининг бегуноҳлигига тўла ишонади, дардини севгилиси Ўктам билан баҳам кўради. Аммо Ўктам қизнинг дардига шерик бўлиш ўрнига, унинг руҳини кўтарадиган гаплар айтиш ўрнига, "Бирон айби борки, қамашгандир" деган маънода қизга жавоб беради. Бу дағал жавоб қиз қалбини чил-чил синдиради, унда омонатгина илиниб турган ишонч риштоларини бутунлай узади. Ойпопук ўз жонига қасд қилади.

Ўзбек прозасида ҳали бунақаси бўлмаган эди - ҳали бироита ижобий қаҳрамон шўро замонида ўз жонига қасд қилмаган эди. Ўшанда гарчи баҳсларнинг кўп қисми Ойпопукнинг тақдирини ҳал қилишда адиб тўғри йўл тутганми-йўқми, деган масала атрофида кетган бўлса-да, уларнинг замирида тоталитар тузумни рад этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг муқаддаслиги ва ижтимоий тафаккур ривожида адабиётнинг роли тўғрисида кетарди.

Ҳуллас, бу кичик қиссадан катта гапларнинг ҳиди келиб турар, ҳали ёзувчининг қалбида айтилиши керак бўлган дардлари ғоятда кўп экани яққол сезилиб турарди. Китобхонлар оммаси адибдан янги асарлар кута бошлади. Ўлмас Умарбеков уларнинг умидини чиппакка чиқармади. У қатор-қатор янги ҳикоялар яратди, киссалар ва романлари эълон қилинди, драма театрларининг саҳналарида кетма-кет унинг пьесалари қўйилди, улардаги бош ролларни Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева каби буюк актёрлар ижро этишди, унинг сценарийлари асосида анчагина фильмлар яратилди. Улар тўғрисида танқидчиликда кўп мақолалар ёзилган, уларнинг фазилатлари тўғрисида анчагина ижобий фикрлар айтилган. Мен уларнинг кўпчилигига қўшиламан. Ўлмас Умарбеков том маънодаги халқ ёзувчиси бўлган эди ва унинг асарлари ўзбек адабиёти хазинасини умри боқий асарлар билан бойитди.

Лекин мен ҳозир унинг ижод йўли тўғрисида ҳисобот ёзмоқчи, асарлари қайси жанрда, қандай мавзуларда ёзилгани ҳақида илмий тадқиқот ёзмоқчи эмасман. Мен бу гал ўзим билган ва таниган Ўлмаснинг ёрқин адабий истеъдодини рўёбга чиқаришга ёрдам берган инсоний сифатлар тўғрисида мулоҳаза юритмоқчиман. Ҳа, ижод шунақа ишки, унда шоир ёки адиб хамир қорганда зувалага жиндай хамиртуруш қўшмаса бўлмаганидек ёзадиган асарига жиндай муболаға аралаштирмаса бўлмайди. Тўғриғи, ижодкор хаёлотининг қувватини ишга солади ва ҳаётда етишмаган ранглар, оҳанглар, нисбатлар, туйғуларни керагидан орттириб, бўрттириб китобхонга етказади. Лекин ижоднинг бу ўзига хослиги ижодкорнинг ҳаётда ҳам шунга мойил бўлиши жуда ҳам кам учрайдиган, ўта ноёб ҳодиса бўлади. Негаки, одатда, ижодкор ҳам одам ва одамга хос бўлган ҳеч қандай хислат унга бегона эмас.

Ўлмас Умарбеков том маънода баркамол инсон эди. Оллоҳ уни ҳусни таважжуҳдан ҳам, ички фазилатлардан ҳам сиқмаган эди. Сочлари тимқора, қора қошлари, қўнғир кўзлари ғоятда жозибадор, қадди-қомати келишган, юзидан, кўзидан меҳр ва хайрихоҳлик ифодалари зуҳур этиб турадиган бу йигит қанчадан-қанча там-там қизларнинг ичини куйдирган бўлса, ажаб эмас. У бениҳоя хушмуомала, юмшоқ табиатли, яхши тарбия кўрган одам эди. Биров билан гаплашса, гўё қаттиқроқ гапириб юбориб, унга озор етказиб қўйишдан чўчигандек, тортиниб, ийманиб турарди. У том маънодаги зиёли эди, аммо бу зиёлилик гамлетона тараддудланишларда, иккиланишларда, бугунги ишни эртага қўйишларда эмас, бағри кенглиқда, теранликда, назокатда намоён бўларди. Зиёлилик унга "ҳа" дейиш зарур бўлганда "ҳа", "йўқ" дейиш зарур бўлганда "йўқ" дейишга ҳалақит бермасди. Ва у яна қўлидан келган ҳамма жойда яқинларига, дўстларига, ўртоқларига ёрдам беришга, уларни қўллаб-қувватлаб, ишларини силжитиб юборишга ёрдам берарди. У бағрикенг, кечиримли инсон эди, унинг феълидаги олижаноблик, чинакам ўзбекона мардлик бир эмас, бир неча одамга етгулик эди. Ўлмаснинг бу ёрқин фазилатларини мен ўзим у билан мулокотларда неча марта кўрганман, кўп марталаб улардан баҳраманд бўлганман.

***

60-йилларда менинг ишларимдан путур кета бошлади, расман айтилмаса-да, менинг тўғримда "бу – нигилист, ўзбек адабиётининг ютуқларини кўраолмайди" деган иғво гаплар тарқади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

(Давоми келгуси сонда)

Фаридун ТОНКАБОНИ

УМР ЎТДИ-КЕТДИ

(Давоми. Боши газетамизнинг 8-сонида)

Улар тезроқ ҳарбий хизматдан бўшашларини, тезроқ уйга қайтишларини, хотинлари, бола-чақалари, ота-оналарининг бағирларига тезроқ қайтишни орзу қилишарди. Уйдагилар эса олисдаги туғишган шаҳарда уларни сабрсизлик билан кутишар, бу мудҳиш жазирама саҳродан етиб борадиган ҳар битта тасодифий хабарни жонларини ҳовучлаб, қарши олишарди.

Кошки эди уруш-у, қон, ўлимнинг ўзи бўлса... Қаёқда дейсиз – уларни ижро этишга мажбур қилишган қонли драмаларнинг танаффусларида яна минглаб бошқа можаролар ва жанжаллар бўлиб турарди. Озиқ-овқат билан мунтазам таъминлаш кўнгилдагидек эмас эди, шунинг учун улар йўлларида рўпара келган қишлоқларни талашга мажбур бўлардилар. Деҳқоннинг қўлидан тортиб олинган, унинг оч, силласи қуриган болаларининг оғзидан тортиб олинган луқма уларнинг томоғига тиқилиб қоларди. Аммо очдан ўлмаслик учун, омон қолмоқ учун бир амаллаб ўша луқмани ютишга тўғри келар эди. Аммо омон қолишнинг нима кераги бор эди? Яна одамларга қирон келтирмоқ учунми? Нима учун омон қолиш кераклигини унинг ўзи ҳам билмас эди. Нимадир уни айни ҳозиргидай тарзда ҳаёт кечиришга мажбур қиларди. Назарида, у қияликдан шитоб билан пастга тушиб кетаётгандай туюларди, аммо бирон нарса қилиб, буни тўхтатиш қўлидан келмасди.

Уларнинг хотиротлари ичида биттаси бағоят дақшатли эди. Кунларнинг бирида улар торгина дарада тузоққа тушиб қолдилар. Тўрт томондан уларни исёнчилар қуршаб олган эдилар, ҳар томонда уларнинг бехато ўрадиган милтиқларининг миллари ялтираб кўринарди.

У пайтларда улар чиндан-да жон-жаҳдлари билан олишардилар, инчунун гап уларнинг ҳаёти ёки ўлими устида борарди. Шунинг учун улар мавқеларини қўлларида сақлаб қола билишди. Аммо озиқ-овқат тугади. Заҳираларида бор нарсанинг ҳаммасини еб, тамом қилишди. Марказдан уларга ҳаво йўли орқали озиқ-овқат ташлашмоқчи бўлишди. Аммо исёнчилар аллақайлардан пулемёт топишипти. Дастлабки самолётлар дара устидан жуда пастлаб учишган экан – исёнчилар уларнинг бир жуфтини уриб туширишипти. Самолётларнинг бири ўша даранинг ўзида уларга яқин жойга қулаб тушди. Улар бир амаллаб самолёт қулаган жойга етиб боришга муваффақ бўлишди, аммо тўртта ўртоқларидан жудо бўлишди. Кейин учувчилар эҳтиёткорлик йўлига ўтиб олишди - улар олиб келган юкларини жуда баланддан ташлашарди. Ерга урилган қоплар тарс-тарс ёрилиб, улардаги нарсалар теварак-атрофга сочилиб кетар, ёнбағирлардан думалаб, қўздан пана бўлардилар. Уларни қидириб топиш, йиғиб олиш ўлимдан ҳам қийин эди. Нима бало, учувчилар токка озиқ-овқат маҳсулотлари экиб чиқишга бас бойлашганми? Навбатдаги самолёт дарани тарақа-туруққа тўлдириб, юкларни тўғри келган томонларга улоқтириб, яна келган жойларига жўнаб қолганларида, дарадаги аскарлар жуда дарғазаб бўлиб кетишди. Аскарлар самолётларнинг ортидан бўралаб сўкканларича қолаверишди. Очликдан ва ташналикдан қуриган **ҲИКОЯ** одамлар сўкишардики, уларнинг олдида ҳатто извошчилар ҳам ип эшолмас эдилар. Ҳар хил сўкишлар-у қарғишлар уларнинг оғзидан баайни сел тошқинидай ёпирилиб чиқарди.

Бу қиёмату қайюмда уларнинг жонларига оро кирадиган бирдан-бир нарса контрабанда йўли билан олиб келинадиган ароқ эди. – у оғизларни ачитиб, нафасни қайтариб томоқдан ўтарди. Улар ароқни стаканларга тўлдириб-тўлдириб ичишар, газагига Луристоннинг йирик майизидан ейишарди. Бош бармоқдай майизни оғизларига солиб, эринчоқлик билан чайнардилар.

Ўша кезларда у ички қиққа ружу қўйиб қолди ва чунонам ича бошладики, охирида касал бўлиб йиқилди.

Улар баъзан бутунлай умидсизликка тушиб қолардилар, кейин эса яна қайдандир кўнгиллари умидга тўларди. Улар ёрдам кутишарди. Ниҳоят, ёрдам келди. Қамал қалқаси парчаланди, уларни қутқариб олишди. Исёнчиларга орқа томондан зарба бериш, устун келадиган зарба билан уларни тор-мор келтириш унчалик қийин бўлмади. Аммо штатдагиларнинг бурни қанақа кўтарилиб кетганини бир кўрсаларинг эди. Улар қуршовдагиларга валеневматлик қилишганмиш. Гўёки отряд атайин қуршовга тушиб қолганмиш, гўёки шунча вақт душманнинг ҳужумига бардош бериб туриш жўнгина бир иш бўлганмиш, оч қорин билан, шалағи чиққан асаблар билан жон олиб – жон бериш осон бўлган эмиш. Бу жанобларнинг ихтиёрида беҳисоб лашкар-у, қурол-аслаҳалар бор. Шуларнинг кучи билан уларни қуршовдан қутқариб олишди. Энди эса бу ишни мислсиз жасорат сифатида тақдим этишяпти. Бунақа жасорат юз йилда бир марта рўй берармиш. Иш мукофотлар тарқатишга бориб етганда айни ана шу жанобларга ордену медаллар тегди, зафарларни шунчалик довруқли ва шон-шавкатли одамларга эса муқолтуруқ тегди, холос. Уларнинг ҳаммаси қуп-қуруқ қолаверди.

Қани энди ҳамма иш шу билан хотималанган бўлса! Қаёқда дейсиз! Аскарлар интиқом олишди, зулмат қўйнида, оч-яланғоч, ночорлик ва қашшоқликда ҳаёт кечирувчи одамлардан аблаҳона тарзда қасос олишди. Исёнчилар ўзларининг раҳнамолари – хонлари манфаати йўлида қўлларига қурол олиб, аскарларга ўқ отишганди. Улар мағлубиятга учрагандан кейин эса ё хон қочиб кетди, ё хонни бадарға қилдилар, ёки ўлпон эвазига қўйиб юборишди. Анави шўрликларни эса отишди, осишди, калтаклашди, бошқа қаттиқ жазоларга мустаҳиқ қилишди. Уларнинг кесик бошларини ғолибларнинг ўлжаси сифатида қишлоқма-қишлоқ ҳаммага кўз-кўз қилиб юришди. Унинг виждони қийналар, ғазаби қўзғарди, ўзини қўйгани жой тополмасди. "Бу ишларнинг бизга дахли йўқ" дейишарди унга. Бироқ бу гаплар уни тинчита олмасди. Агар у уришган бўлса, очликка, совуққа чидаган бўлса, ташналикдан азоб чеккан бўлса, кечалари ухламаган бўлса, агар унинг бадани ҳар хил чандиқларга, ўткир тошлар тегиб ҳосил қилган яра-чақаларга тўла бўлса наҳотки, буларнинг ҳаммаси бир тўда содда ва кўнгилчан одамларни алдаш учун, уларнинг олдида Қуръони Каримни ўртага қўйиб, кейин зиғирдек ҳам виждон азобини ҳис қилмай, уларни пулеметлардан отиб ташлаш учун қилинган бўлса? Кошки эди бу бирон ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида, исёнчиларни қуролсизлантириш мақсадида қилинган бўлсайди. Ахир, уларни милтиқлардан эмас, ҳаётдан жудо қилишди-ку! Э-э, гапнинг индаллосини айтганда аскарлар бунинг учун жанг қилгани йўқ деб ўйлади у. Ва умуман, нима учун жанг қилгани маълум эмас. Уларнинг ҳеч қанақа муайян мақсадлари йўқ эди. Уларнинг иши шунақа, уларнинг касби бу. Унга "Ўлдир" деб буйруқ беришади. Агар у очдан ўлишни хоҳламаса, ўлдирмоғи керак. Баайни ана шунга ўхшаб бирор "ёзғучи"га "ёз" деб буйруқ беришадида, у ёзаберади.

Ғалаён тинчигандан кейин у собиқ душманлари орасида туриб қолди. Улардан бирининг қизига уйланди. Соҳибжамол, қадди-қомати сарвдай, соғлом ва бақувват бу қиз, афсуски, шаҳар ҳаёти тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмас эди. Ҳатто бир неча йилдан кейин шаҳарга кўчиб ўтишганда ҳам у ердаги турмуш тарзига кўника олмади. Лекин шундоқ бўлса ҳам ҳар икки йилда унга фарзанд туғиб бериб турди. У ёқ-бу ёғига ўгирилиб қарашга улгурмай, бешта боланинг отаси бўлди-қолди. У болаларнинг тарбияси билан шуғулланга бошлади. Болаларнинг ҳаёти ҳам ўзиники каби маънисиз ва мақсадсиз ўтишини истамасди у. Унинг келажаги чамбарчас тарзда ўтмиши билан боғлиқ эди, ўтмишдан қочиб қутулмоқнинг эса иложи йўқ эди. У қийналар, азоб чекар, иккиланар ва яна қаттиқ тиришар, лекин буларнинг ҳаммаси бехуда эди. Тарбия масалаларида ҳам сариқ чақалик уқуви йўқ экан. Бекордан-бекорга болаларни қўрқитгани қолди, холос. Малъун казарма руҳи аллақачон унинг ихтиёридан ташқари бутун вужудига сингиб улгурган экан.

(Давоми бор)

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

НОШИРЛИК ҚАЧОН БОШЛАНГАН?

Биринчи босма нашрлар ксилографик (юнонча "ксило" – "дарахт" ва "графо" - "ёзаман" сўзларидан олинган) китоблар, деб аталган.

Улар қуйидагича тайёрланган: текис тахта устига ёзувнинг тескари акс тасвири туширилган. Уста ўткир пичоқда эҳтиёткорлик билан чизиқлар орасидан юритиб ёғочни ўйиб ёзган. Натижада текстнинг рельефли, қаварик тасвири ҳосил бўлган. Унга бўёқ суркаб, устига қоғоз бостирилган. Бўёқ ёғочдан вараққа ўтган. Кореяда 704-751 йилларда 12 тахтадан босилган китоб энг қадимги босма китоб ҳисобланади. Европада босма китоб ихтирочиси Иоганн Гутенбергдир. У ёғ сиқиб чиқариш учун мўлжалланган оддий прессни босмахона дастгоҳига айлантириб, уни китоб босишга мослаштирди. Гутенберг текстдан хоҳлаган миқдорда нусха кўчиришга имкон берувчи босма шаклни ихтиро этган. Бу шакллар литералардан (харф ёки босма ҳарф шаклидаги белгилар) иборатдир. Китоб босишда ҳарфлар тасвиригa бўёқ суркалади ва ундан қоғозга ҳарфнинг нусхаси тушади. Бу Гутенбергнинг энг асосий ихтироси эди. Россияда китоблар босиш XVI асрнинг ўрталарида бошланди. Биринчи машҳур рус матбаачиси Иван Фёдоровдир. 1563 йили И.Фёдоров ёрдамчиси Пётр Мстисловец билан биринчи босма китоб - "Апостол"ни нашр этган. 1574 йилда у биринчи марта "Алифбо" грамматикасини яратди.

Х.МАҲАМОВА тайёрлади.

ЖАҲОНГА ЧИҚАЁТГАН ЁШЛАР

Хоразмликларнинг санъатга ошуфталилиги авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Нафақат адабиёт ва мусиқа борасида, балки ҳайкалтарошлик, графика, ранг-тасвир, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги борасида ҳам бугунги истиқлол фарзандлари аждодларимиз каби юртимиз донғини дунёга ёймоқдалар.

Бадиий академияга қарашли Хоразм вилояти тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида бу борада олиб борилаётган ишлар қувонарли.

-Энг аввало ўқувчиларга яратиб берилган шароит уларнинг иқтидорини юзага чиқаришларига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, қайси санъат турига иқтидори борлигига қараб, ўқувчиларни маълум бир йўналишда устозларига бириктирамиз, - дейди лицей-интернат директор ўринбосари Гулора Худойберганова.

Натижада ўқувчилар танлаган йўналишлари бўйича нафақат республикамиз, балки хорижда ҳам танлов ва кўргазмалар ғолиби бўлишмоқда. Хусусан, АҚШда ўтказилган "Америка - болалар нигоҳида" кўргазмасида лицей-интернат **ЖАРАЁН** ўқувчиларидан Бехзод Аминовнинг I ўринни, Қаҳрамон Маткаримовнинг II-даражали дипломни қўлга киритганлари, ёхуд Умар Ражабовнинг Чехияда ўтказилган Халқаро болалар кўрик-танловида олтин медал соҳиби бўлгани, сал ўтмай унинг асарлари Ҳиндистондаги Шанкар кўргазмасида намойиш этилиб, фахрли ўринларни қўлга киритгани таълим даргоҳининг энг катта ютуқларидан бири ҳисобланади.

Лицей-интернатининг яна бир иқтидорли ёш толиби Жасванд Аннаназаровдир. У "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" республика кўрик-танловининг "Она табиат" мавзусида ҳайкалтарошлик бўйича биринчи ўринни олган бўлса, германиялик санъатсевар таълим ходимлари томонидан ташкил этилган "Сувни тежаш" мавзусидаги расмлар танловида ҳам ғолибликни эгаллади. Шунингдек, Жасвандбек Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги молиялаштирган лойиҳа асосида "Чегаралар" мавзусида ўтказилган танловда "Соқчи" номли ҳайкалтарошлик иши билан совриндор бўлди.

Умид БЕКМУҲАММАД, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

SPORT OLAMIDA

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

МДҲ чемпионлари Кубоги турнирида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Пахтакор" жамоаси футболчилари гуруҳнинг сўнгги учинчи турида Беларуснинг "Гомел" жамоаси билан куч синашишди.

Ўтказилган икки тур натижасига кўра тошкентликлар уч очко жамғариб кейинги босқичга йўлланма олиш имкониятини сақлаб қолишган эди. Афсуски, ҳамюртларимиз беларуслар билан муросасиз ва шиддатли кечган учрашувда 2:2 ҳисобида дурангга рози бўлишди. Шундай қилиб, гуруҳда 4 очко жамғарган "Пахтакор" учинчи ўрин билан кифояланди. Гуруҳнинг учинчи турида "РегарТадАЗ" жамоасига қарши тўп сурган Москванинг МАСК жамоаси рақибларини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб кейинги босқичга йўл олди.

УЛОҚ-КЎПКАРИ МУСОБАҚАЛАРИ

Жиззах вилоят отчопари ёш чавандозлар, от спорти мухлислари билан гавжум бўлди.

Вилоят ҳокимлиги, от спорти федерацияси ҳамкорлигида мамлакат миқёсида уюштирилган улоқ мусобақаларида 800 нафар чавандоз ғолиблик учун баҳслашишди. Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган чавандозлар орасида самарқандлик Шерзод ҳамда тошкентлик Фурқат чавандозлар бошқа рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди.

ИШОНЧ

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Кураш миллий федерациясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўтган йили федерация томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва келгуси режаларга бағишлаб уюштирилган йиғилишда мамлакатимиз спорт мутасаддилари, кураш бўйича мураббийлар, полвонлар ҳамда ҳакамлар иштирок этишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси бош котиблигига Алишер Эшонқулов сайланди.

КИЧКИНТОЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент шаҳрининг Себзор даҳасида жойлашган "Мусаффо булоқ" сув ҳавзасида 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида сузиш мусобақаси ўтказилди.

Батерфлей усулида ташкиллаштирилган турнирда 200 нафар ёш сузувчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Дарья Тимофеевна, Моҳинур Ҳамидуллаева, Зуроб Абдурайимов, Антон Мичрушлов, Алина Абдибакирова, Муниса Олимжоноваларнинг маҳорати мутахассислар мухлислар томонидан юқори баҳоланди.

"УЧҚУН" АЛАНГАГА АЙЛАНАДИ

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги "Учқун" теннис марказида 9 ҳамда 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўзига хос теннис турнири уюштирилди.

9 ёшлилар ўртасида Санжар Файзиев, Темур Хабибулин ҳамда Михаил Есиловлар турнир шоҳсупасининг юқори поғоналарини забт этишди. Қизлар баҳсида эса Зилола Исомидинова, Сабина Шарипова ҳамда Нигора Абдуллаевалар барча рақибларидан устун эканликларини исботлашди. 12 ёшлилар мусобақаларида Артем Тарасов, Руслан Гусеинов, Христис Кейсидилар ғолибликни қўлга киритишди. Қизлар беллашувларида эса Валерия Канатова ҳамда Нигина Раҳмоновалар биринчи бўлишди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР – БИРИНЧИ

С.Жаксон номидаги боксга ихтисослаштирилган 8-олимпия ўринбосарлари мактабида 15-17 ёшли ўсмирлар ўртасида бокс бўйича турнир ўтказилди.

Март ойи охирларида Наманган шаҳрида ўқувчилар ўртасида уюштириладиган Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайдиган мазкур турнирда мамлакатимизнинг барча спортчилари ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 250 нафарга яқин ёш чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Муросасиз кечган беллашувларда ўз вазн тоифаларида тошкентлик Т.Абдураҳимов, Т.Ғаниев, С.Мирзаев, К.Зокиров, М.Кенжаев, О.Умархўжаев, А.Присхман, самарқандлик Р.Атҳамов, М.Шарипов, И.Ўктамов, жиззахлик Б.Хидиров, С.Холиқулов, пойтахт вилоятидан А.Нурматов, С.Мансуровлар ғолибликни қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин пойтахтликларга насиб этди. Энди ғолиб боксчилар Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

МАШҲУР СПОРТЧИЛАР РОССИЯДА

Россияда ўтадиган енгил атлетика бўйича "Рус қиши" деб номланган халқаро турнирда бир қатор машҳур спортчилар қатнашиши кутилмоқда.

Россия енгил атлетикачилари мураббийи Валерий Куличенко бу мусобақалар спортчилар учун олимпиада ўйинлари олдидан тайёргарлик вазифасини ўташи мумкинлигини таъкидлади.

ЦСКА спорт мажмуида ўтадиган мусобақаларда мухлислар америкалик Джефф Хартвиг ва Тим Харвэй, француз Роман Меснил, кубалик Луис Мелис ва исроиллик Александр Авербух каби машҳур енгил атлетикачиларнинг санъатларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Россиянинг энг яхши теннисчиларидан Анастасия Мискина, Australian Open теннис турнирини ғалаба билан бошлади.

У швед теннисчиси София Арвидссонни 6:2, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Анастасия нуфузли турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси ҳисобланмоқда. У ўтган йилда ушбу мусобақанинг 1/4 финалигача етиб борганди.

Яна бир неча россиялик теннисчилар Лина Красноруцкая хорват ракеткаси Каролона Шпремни осонлик билан 6:3, 6:4, Динара Сафина эса словян Любомир Курхажковуни 6:3, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

АБРАМОВИЧНИНГ "РЕАЛ"ГА ҲУЖУМИ

Англиянинг "Челси" футбол клуби хўжайини Роман Абрамович "Реал" футболболчилари Роналдо ва Роберто Карлосни мавсум якунигача Лондон клубига ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

Бразилия журналистлари тарқатган хабарларга қараганда, Роналдо "Реал" президенти Флорентино Пересдан мавсум якунлангач Англияга кетишга рухсат сўраган.

Роналдо "Реал"нинг ҳамма мусобақаларда ғолиб чиқиши учун мавсумда рақиблар дарвозасига 35 та гол уриш ниятида. Ҳамма мишмишлар Роналдони Лондонга келишидан келиб чиққан. Футболчининг ўзи эса мавсум якунида собиқ жамоаси "Интер"га ўтиши мумкинлигини ошкор этган.

Роберто Карлоснинг "Реал билан" шартномаси якунланган ва у ҳали жамоа билан бир битимга кела олмаяпти. Клуб бошлиғи эса шундай моҳир футболчини қўлдан чиқаришни хоҳламаяпти. Бразилиялик ҳимоячининг Лондон клубига ўтиши учун жуда яхши имконият яратилган. Чунки Роман Абрамович у учун уч йилга 60 миллион АҚШ долларилик маош таклиф қилмоқда.

INTERNET хабарлари асосида Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -12325

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3456

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com